

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

## МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...



«Хар бир одам бирор даражага эришиш учун энг аввало оила деб аталмиш муқаддас бир асосга маънан ва қалбан боғланган бўлиши лозим», атоқли шифокор-невропатолог, профессор Наби Мажидовнинг эътиқоди, ақидаси ана шундай. Зеро, бу беназир олим ўзи айтганига яраша мустаҳкам эътиқод ва амалларга эга бўлгани учун ҳам улуғлик даражасига кўтарилган бўлса ажаб эмас.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизни соғломлаштириш бўйича кўп савобли ишлар амалга оширилаётир, — дейдилар биз билан суҳбатда Наби Мажидов. — Энг аввал «Соғлом авлод учун!» дейилган ажойиб бир шior ўртага ташланди. Бу шior ўз моҳияти билан юртимиздаги барча шифокорларга ҳам, барча фуқароларга ҳам тааллуқли эди. Кейинроқ ўртага ташланган Инсон манфаатларини эъозлаш ҳақидаги шior ҳам одамлар сихат-саломатлигига бевосита алоқадордир. 1998 йилни Оила йили сифатида ўтказганимиз ҳам, билмадим, ўзим шифокор бўлганим учунми, сихат-саломатлик учун аҳамияти катта бўлди, дегим келди. Мана энди, қарангки, 1999 йил Ўзбекистонда Аёллар йили мазмуни билан

тарихимиз саҳифаларига муҳрлиб бораётир. Бу ишлар юртимизда ўзига хос доно сиёсат олиб борилаётганидан, Президентимизнинг юксак заковатидан дарак беради...

**— Наби ака, мана шу Аёллар йили деб аталаётган йил давомида Сизнинг соҳангизда қандай ишлар амалга оширилади? Масалан, шахсан ўзингиз?**

Профессор Наби Мажидов менинг бу саволимга жавобан қўлимга қалин муқовали бир китоб тутқаздилар-да:

— Бу борада аллақачон айрим ишларни амалга оширдик, — дедилар.

«Ўзбекистоннинг клиник неврологияси» сериясида чиқарилган бу китоб (17-тўплам) «Бола туғадиган ёшдаги аёлларда неврологик синдромлар» деб аталган. Профессор Наби Мажидовнинг 70 ёшли тўйларига атаб чиқарилган мазкур тўпламда у кишининг илмий фаолиятига бағишланган мақоладан ташқари олимнинг ўз қаламига мансуб бўлган иккита илмий мақола ҳам ёритилган экан. Мақолаларнинг биттасига: «Турмушнинг турли даврларида аёллар организми асаб системасининг патологияси» деб сарлавха қўйилганди...

Холисона айтганда, фақатгина Ўзбекистон мамлакатига эмас, ўз илмий-шифокорлик салоҳияти билан чет элларда ҳам машҳур бўлган Наби Мажидов хонадонидидаги ҳаёт-манзара бу ҳовлида оилага хурмат-иззат, аёл зотининг шарафини улғу-

лаш-эъозлаш гоятда устувор эканлигидан далолат беради.

Хонадоннинг бош бекаси Ойдинхон Турсунхўжаевна Мажидова айни пайтда кексалик нафақасига чиқиб, уй ишларини бошқарар эканлар. Аслида у киши ҳам яхшигина шифокор, тиббиёт илми бўйича фан номзоди, доцент эканлар — Тошкентдаги Врачлар малакасини ошириш институтида 1975 йилдан 1992 йилгача болалар асаб касалликларини даволаш бўйича вилоятлардан келган шифокорларга сабоқ берган эканлар.

**— Худо берган фарзандлардан нечта?**

Наби Мажидов бу саволимизга: — Бешта қизимиз бор, — дея жавоб берадилар.

— Куёвларимиз ўғиллардан ҳам афзал, — дея Наби аканинг сўзларига қўшимча қиладилар Ойдинхон опа.

— Тўнғич қизимиз Ёқутхон бизнинг изимиздан бораепти, — дея сўзларини давом эттирадилар Наби Мажидов. — Ўзи шифокорликнинг невропатологик соҳасини танлаган. Яқинда фан доктори илмий даражасини олади. Иккинчи қизимиз Гўзалхон кардиолог шифокор. Дилбархон деган қизимиз ҳам невропатолог. Ойнисахон эса педагог-шифокор бўлиб етишди, логопед мактабида дарс беради. Кенжа қизимиз Раънохон

(Давоми 3-бетда)

### ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

## ЎЗБЕКИСТОН: ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР КЎЗГУСИДА

• Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташкил топганига 50 йил тўлди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов комбинатнинг 35 дан зиёд миллат вакиллари меҳнат қиладиган жамоасига табрик хатини йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг алоҳида ўрناق кўрсатган ишчи-хизматчиларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг орден, медаллари ва фахрий унвонлари билан тақдирландилар.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

• 17 июнь куни Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда Марказий Осие Иқтисодий ҳамжамияти давлатлари Бош вазирлари Кенгашининг Мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистондан қатнашган делегацияга Бош вазир Ўткир Султонов бошчилик қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий мажмуа котибиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Атамашунослик ишларини янада такомиллаштириш, луғатларни тезроқ нашрдан чиқариш, уларнинг тўғри қўлланиши устидан назоратни кучайтириш лозимлиги кўрсатилди.

• Ўзбекистон Олий судида 22 нафар шахс устидан суд жараёни давом этди. 16 июнь куни ўтган судда Давлат айбловини қўллаётган прокурорлар айбланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ижтимоий хавfli эканлигини уқтириб, улардан 10 тасига Олий суд томонидан ўлим жазоси берилишини сўрадилар. Қолганларига 20, 18, 14 йилгача қамоқ жазоси берилиб, уни қаттиқ режимли колонияда ўташликни ва молмулклари давлат фойдасига мусодара этилишини сўрадилар.

Раислик қилувчи суд маслаҳатлашувга киришини, қарор 28 июнда ўқиб эшиттирилишини маълум қилди.

## АЁЛ ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ

Бугунги Ўзбекистон хотин-қизларининг илм-фан соҳасидаги ўрни қандай? Ҳаётини илм-фан билан боғлаган аёл йўлида қандай муаммолар мавжуд? Олима аёл ўз иқтидори, салоҳияти даражасида ишлаши учун, мумкин қадар кўпроқ фойда келтиришга имконият яратиш учун давлат ва жамият миқёсида қандай тадбирий ва амалий чоралар кўрмоқ керак?

Яқинда пойтахтимиздаги Темирийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият курилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияни Ўзбекистон Фанлар Академияси Президенти Т. Жўраев кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фулмова «Демократик, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этишида фан, маданият ва жамият тараққиётида аёлларнинг роли» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, тадбирда «Ижтимоий фикр» маркази директори Р. Убайдуллаева, тарих фанлари доктори Д. Алимова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори О. Мусурмонова ва бошқаларнинг маърузалари тинланди.

Конференция қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтди.

**М. ИБРАГИМОВА**

## ОНАГА МАДҲИЯ

Яқинда Болалар бадий ижодиёти Республика Марказида Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими хомийлигида «Она қалби» деб номланган кўрғазма-танлов ҳамда мулоқот-учрашуви бўлиб ўтди. Унда Марказда таҳсил олаётган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар иштирок этишди.

Болалар Бадий ижодиёти Маркази раҳбари Санобар Шодиева ёшларга муваффақият тилади. Ҳайъат аъзолари истеъдод гўнчалари асарлари билан танишиб, уларни муносиб баҳолашди. Васила Мирсалихова биринчи, Лайло Бакинова, Диёра Ҳасанова — иккинчи, Феруза Эркабоева, Арина Ҳамдамён, Наргиза Ҳотамовалар учинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Шунингдек, бошқа болаларга ҳам хомийларнинг совғалари топширилди.

**Н. РАҲМОНОВА**

# ШУ ВАТАН — ШУ ЮРТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди.

Юртбошимиз мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги аҳвол билан танишди. Чегарачи йигитларимизнинг ҳаёти, ҳарбий тайёргарлиги, уларнинг кийим-боши билан ҳам қизиқди. Чегарада хизмат қиладиган генералдан тортиб оддий аскаргача ташқи кўриниши алоҳида миллий руҳда бўлиши кераклигини таъкидлади. Ўз одағига кўра аскарлар билан оталарча дилдан суҳбатлашди.

Юртбошимиз ризқ-рўзимиз ўсиб етилаётган экин далаларидаги аҳволни кўздан кечириarkan, деҳқон муваффақиятларидан қувонди, камчиликлар-хатоликларни кўриб қуюнди, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берди. Одатдагидек Президентимиз назари-эътиборидан ҳеч ким ва ҳеч нарса четда қолмади. Президентимиз Қумқўрғон ёшлари билан суҳбат чоғида республика «Қамолот» жамғармасининг туман бўлими фаолиятидаги расмиётчилик ва лоқайдликни танқид қилди.

Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газ-кимё мажмуа курилиши-

даги ишлар билан танишаркан, ёшларнинг бугунги ҳаёти, мақсади, режалари билан қизиқди. Журналистлар билан суҳбатда бу ҳақда жумладан шундай деди: «...**Инсон қилаётган ишини тўғри тушуниб етса, унга онгли ёндошса, бажараётган ишидан мамнун бўлса, бу бизнинг катта ютуғимиз, олиб бораётган сиёсатимизнинг амалдаги эътирофи дейишимиз мумкин. Агар одам ҳаётда бир из қолдирмоқчи бўлса, жамиятга, юртига наф келтиришни истаса, авваламбор, ўз фикрига, дунёқарашига таяниб яшаши керак. Шундан кейингина олдимизда турган долзарб вазифаларни амалга оширишга имкон туғилади...**»

Президентимиз Яқкабоғ тумани аёлларининг ҳол-аҳволини ҳам суриштирди. Қишлоқ аёли ҳаётини енгиллаштириш, унинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, она сифатидаги кадр-қийматини юқори кўтариш масалаларига эътиборни кучайтириш ҳақида таъкидлаб ўтди. «**Аёлни ҳурмат қилиш Онани ҳурмат қилиш демакдир. Мен Она деганда Ватанни, Ватан деганда Онани тушунаман. Аёл онани улуғлаш эса, Ватанни, юртни улуғлашдир...**»

Президентимизнинг сафар чоғидаги нутқу суҳбатлари ҳар галгидек киши қалбини эзгу, ёруғ хис-туйғуларга ошно қилади, ўйга толдира-

ди. Қурраи замин ўз ўқи атрофида айланаверади, ҳаёт давом этаверади, бизнинг умримиз ҳам ўтаверади... Бугун гўдакмиз, эртага билалари куч-ғайратга тўлиқ навқирон йигит-қизлармиз, индинга эса сочларига қиров кўнган қариялар... Ҳаммамизнинг тақдиримиз бир — охир-оқибатдаги йўлимиз бир... Демак бу ёруғ дунёдаги умримиз ўткинчи, санокли... Бошимиз узра иссиқ нурларини сочиб турган кўёш абадий, яшилликка фарқ замин абадий, тириклик сувини далаю боғларга элтаётган дарёлар абадий, ҳов узоқ-узоқлардаги тоғлар абадий...

Биз — инсонларда эса биргина имконият бор. Ҳозир ҳаёт эканмиз-бизга омонатга берилган ана шу Абадият олами гуллаши-яшнашига ҳисса қўиши, келажак авлодларга эсон-омон етказиш... Бу дунёда инсон учун бундан улғурок, бундан муқаддасроқ мақсад, саодат борми? Шундай экан, ҳар биримиз энг аввало Президентимиз таъкидлаганидек жамиятга, юртга наф келтирадиган фикрга, дунёқарашга таянайлик, хонадонимизда, кўчаю маҳалламизда, жамиятимизда ўзаро меҳр-муҳаббат, ишончу эътиқод барқарор бўлиши, тоза мусофодо иқлим ҳукм суришини таъминлайлик...

**Д. САИДОВА**

Халқимиз буюк ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Барчамиз ҳам буюк неъмат она юртимиз мустақиллиги қадрига ета олаёلمизми? Бугунги куннинг талаби-га тўла жавоб бера олаёلمизми?

Кўни кеча Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Ойбек маҳалласида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинида айнан шу масалалар илгари сурилди. Ҳозирги кунда ўз ечимини топа олмаётган муаммолар жуда кўп. Айниқса, ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятига катта эътибор билан қарашимизни талаб қилади. Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она вазифасини ўтаган.

— Модомики фарзандларимизнинг келгуси тақдирини бизга боғлиқ экан, уларни кўздан қочирмаслигимиз ҳар бир қадамни ҳушёрлик билан фақат эзгу ишларга йўналтира билишимиз даркор. Аммо, орамизда бизнинг тинчлигимизни кўролмаётган ақидапарастлар учраб турибди. Фарзандларимизни фақат тўғри ишларга йўналтиришимиз лозим, токи улар жаҳолатга юз тутмасинлар; — дейди маҳалла кўмитаси раиси Анвар Музроббеков.

— Албатта, ҳозирги кунда жамиятимизнинг энг одил талаби бу юрт тинчлиги, осойишталиги. Буларсиз халқнинг эртасини тасаввур қилиш мушкул, — давом эттиради йиғинни маҳалла имоми Эргаш қори. — Ҳозирги пайтда ўзбек халқининг тинч-осуда ҳаётини кўролмаётган кимсалар минг афсуски, учраб турибди. Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим: уларнинг олиб бораётган ишлари асли бир ниқоб. Улар диндор эмас. Аксинча дин ниқоби остида ўзларининг қора

ниятларини амалга ошириш пайидадилар. Уларнинг мақсадлари, сиёсатлари Қуръону Ҳадисда йўқ. Барчамизнинг қонимизда, томиримизда ислом қони бор. Барчангизнинг ёдингизда бўлса керак, 80-йиллардаги XVI Пленумда ислом дини қаттиқ қораланди. Аммо, ҳар қандай тазйиқларда ҳам ўзбеклигимизни йўқотмадик. Беникоҳ оила кўрмадик, у дунёга рихлат қилган-

ўстирайлик. Шу азиз Ватан барчамизники, унинг фаровон келажуки учун яшаш, кураш бизнинг бурчимиздир. Болаларимизни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб тўғри тарбия этмоғимиз даркор, токи улар оқни қорадан фарқлай билсинлар. Ўз ватанида ўз ота-иниларига бегона бўлиб ўсишмасин, ана шундагина биз кўзлаган эзгу мақсадларимизга

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРСАК

ларни жанозасиз қузатмадик. Оллоҳнинг инояти, шарофати ила Мустақилликка эришдик. Мустақиллик бизга нима берди? Бу буюк неъмат бизга энг аввало, эркинлик берди. «Эркин фуқаро маънавиятини, унинг шахсини шакллантириш ҳозирги куннинг бош вазифасидир», — дейди юртбошимиз. Халқимиз жаҳонга юз бурди. Аммо, юртимизга таширф буюрган одамлар билан бирга турли хил оқимлар ҳам кириб келди. «Хизбут-таҳрир»нинг мақсади, исломни ниқоб қилиб олиб, тахт эгаллаш. Ўзингиз ўйланг: агар бу ғоя халқчил бўлса, одамларнинг қонини тўкиш эвазига амалга ошириладими? Аслида, мусулмон дини таълимотига кўра, у кишиларни фақат эзгуликка йўллаши, панд-насиҳат қилиши лозим. Мусулмон оламнинг асосий мақсади: кишиларни муқаддас инсонийликка, меҳр-оқибатли бўлишга, ота-онани иззат-ҳурмат қилишга даъват этади. Ўз отасига тик қараган ўғилдан нимани кутиш мумкин? Фарзандларимизни иймонли, эътиқодли қилиб

эришамиз.

Йиғин давомида сўзга чиққан маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Пароғат Юлдашева, маҳалла фаоли Зарофат Абдуазимова бугунги куннинг талаби, ижтимоий жамиятимизнинг долзарб вазифалари — ёшлар маънавияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Ҳа, ижтимоий жамиятимизнинг эртанги кунги бунёдкорлари ёшлардир. Қолаверса, шаҳар бедарвоза эмас. Халқимизнинг бағрикенглиги аллақандай кимсаларга қўл келмаётгани ҳеч кимга сир бўлмаганидек, ёруғ истиқболга ишончи бандлиги, келажакка умид билан қараши ҳам кўздек аён. Мустақиллик бизга эркинлик берди. Аммо, бу эркинлик аллақандай ҳўю-хавасларга эмас, аксинча улғу орзу-ниятларга, юксак тараққиётга хизмат қилиши лозим. Бунинг учун эса кенг жамоатчиликнинг ҳам куч-ғайратларини бирлаштириш, уларнинг фаолиятини янада кучайтириш зарур.

**Ф. ТОҲИРОВА**

# МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳам невропатолог, яқинда шу соҳа бўйича ординатуранга тамомланди.

Ойдинхон опа худди навбат кутиб тургандай куёвлар ҳақида сўзлайдилар:

— Барака топкур куёвларимиз ҳам ҳар қайсиси бир соҳанинг эгаси: катта куёвимиз Турғунхўжа — шифокор, иккинчи куёвимиз Элбекжон невропатолог, Бахтиёржон ҳуқуқшунос бўлиб ишлайдилар, Эркинжон хитой тили бўйича мутахассис, кенжа куёвимиз Аҳмаджон ҳам шифокор.... Худого шукур, ўн битта неварамиз бор, байрам кунларида, туғилган кунлар бўлганда шу десангиз уйимизга одам сигмай кетади...

Профессор Наби Мажиловнинг 65 ёшга тўлганлари муносабати билан 1994 йилда у кишининг шоғирдлари томонидан чиқарилган ихчамгина рисолини ва рақлайман ва беихтиёр хронологик тарзда келтирилган илмий ишлар рўйхатига кўз югуртираман. 130 рақами атрофида санганим илмий ишларнинг анчагина қисми алоҳида китоб, ҳатто дарсликлар ҳам экан!

Рисолада келтирилган яна бир нуқта бўйича академик шифокорга савол берман:

— Наби ака, Сизнинг бевосита илмий раҳбарлигингиз остида фан доктори илмий даражасини олганлар беш киши экан...

— Бу рўйхат 1994 йилгача эди, ҳозир уларнинг сони ўн кишига етган, — дедилар Наби Мажилов.

— Фан номзодлигини олган шоғирдларингиз бу рўйхатда 44 киши экан?

— Улар ҳозир 49 кишига етган...

Рисоладан яна шундай сатрларни ўқиймиз:

«1982-1986 йиллар профессор Н. М. Мажилов ҳаётида ўчмас из қолдирди. Бу

йилларда у киши И. Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий-текшириш олийгоҳининг раҳбари бўлиб ишлаб, республикамизда физиотерапия ва курортология соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Илмий ишлардан ташқари у киши бу олийгоҳ қошида тиббий метеопрогноз ва метеопрофилактика, нина билан даволаш ва физиотерапия марказларини тузди».

Атоқли шифокор Наби Мажиловни фақат мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам яхши танидилар. Сўзимизнинг исботи шуки, профессор Наби Мажилов 1994 йил 2 февраль кuni Оврупо ва Осиё Медицина Академиясининг академиклигига, 1995 йилда эса у киши Нью-Йорк Академиясининг академиклигига, 1998 йилда бўлиб ўтган сайловлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзолигига сайландилар.

Атоқли шифокор олим, академик Наби Мажиловнинг ёшлари айна пайтда етмишдан ошиб, саксон ёш сари одимлаб бораётди. Аммо ҳали йигитлардек бардам-бақувватликлари, зехн-хотиранинг мустаҳкамлиги, илмий-шифойи ишларининг кенг миқёсда давом этаётганлиги, илоҳим кўз тегмасин, кўрган одамнинг ҳавасини келтиради. Ҳазилакам гапми ахир, Наби Мажиловнинг айна кунларда 1-Тошкент медицина институти Неврология кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Республикаси Илмий неврология марказининг директори, «Сихат-саломатлик» журнаlining бош муҳаррири, «Неврология хабарлари» номли журналнинг ҳам бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Илмий неврология жамиятининг раиси вазифаларида фаолият юритмокдалар.

Кўпчилигининг сихат-саломатлиги учун ҳамиша соғ-омон бўлинг, атоқли шифокор Наби Мажилович!

Оқилжон ҲУСАИ

# МАЪНАВИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда шўхратпарастликка, исрофгарчиликка йўл қўймасликка қаратилган Фармони ҳаётий зарурат эди. Тўй ва маросимлар ким ўзарга бўлиб кетганлиги, бу ҳол айрим ночор оилаларга руҳан таъсир қилганлиги барчага сир эмасди. Ҳатто кўшниси элга катта тўй берганини кўриб туриб, мен ҳам шундай тўй қиламан деб маҳалладан ёрдам сўраб очикдан очик мурожаат қилгувчилар ҳам кўпайиб кетди. Фармоннинг энг хайрли томони ана шундай одамларга малҳам бўлди. Тунамимиздаги Гулшан, Қўштепа, Меҳнатобод, Ботош, Зарбдор, Бўстон, Шерали кишлоқ фуқаролар йиғини, Ҳўжагузар, М. Турсунзода, Эркин, А. Темур маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган йиғилишларда тўй ва маросимларни тартибга келтириш, олди-бердиларнинг ҳашаматли бўлишига чек қўйиш, киз тўйларда сеп кўрсатиш, сеп ёйиш каби одатларни қисқартириш, хонадон эгаларини ортиқча ташвишга қўймаслик учун майда харажатларни олдини олиш учун қатъий тартиб-қоидалар белгиланди. Қуядан-андачиликнинг сарф-харажатлари кишлоқ ёки маҳалла йиғинининг тўй комиссияси вакили иштирокида ўтадиган бўлди. Албатта, бу ишларнинг амалдаги ижросига эришиш учун жойларда

## Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятдан

фаоллар, хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла оқсоқолларининг фаолиятлари тарафқўй кўзга ташланиши керак.

Очик тан олиш керак, тўй ва маросимларимиздаги ортиқча сарф-харажатлар, «мен сендан камми» қабилида сеп кўрсатишлар, сарпо кийдиришлар хотин-қизлар, ҳатто кўпни кўрган аёллар томонидан дабдабали тарзда кўзга ташланиб қолаётти. Буни жойлардаги сўхбатларда эркакларимиз очик тан олишмоқда. Қудаларнинг олдида бандд келиш мақсадида қилинадиган бу ишлар бугунги аёлга, унинг маънавиятига тўғри келадими, ахир?! Йилда битта китоб ўқимайдиган, толган пулига латта-путта йиғадиган, кизига одоб «сепилдан ҳам кўра, чет эл либосларини йиғадиган зиёли аёлларни кўрганда афсуслансан, киши. Бу оғриқ нуқталаримиздан бири, маънавиятимизнинг кемтик жиҳати, десак хато бўлмайди.

Президентимизнинг ушбу Фармони жойларда ўз ижросини топиб бораёпти. Экинчи М. Турсунзода, М. Улуғбек номли маҳалла ҳудудидаги оилаларда ўтказилган тўйлар жуда тартибли ва кўнгилли бўлди, исрофгарчиликка йўл қўйилмади. Демак, тўй ва маросимларимизни тарбияли, дабдасасиз, сохта шўхратпарастликларга берилмасдан ўтказиш ўз қўлимизда. Қуръону ҳадисларимизда ҳам исрофгарчиликларга берилмаслик ҳақида жуда ибратли ақидалар айтилган. Жойларда фаолият кўрсатадиган маҳалла оқсоқоллари, кишлоқ муллаларидан буни аҳолига янада тарафқўй сингдиришлари талаб этилмоқда.

Ўзбек хонадонининг тўй ва маросимларида ҳамиша маънавиятимизнинг катта ва улкан жиҳатлари намоён бўлиши, ўсиб келаётган авлод дунёқарашини, қадриятларимизга бўлган эътиқодини тўлдириб турадиган жиҳатлари акс этиши керак. Фармонда кўзда тутилган мақсад ҳам ана шунга қаратилган. Бир сўз билан айтганда, тўй ва маросимларимиз қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва қарашларимизнинг ёркин ойнаси. Шундай экан, бу борада кишлоқ, маҳалла жамоалари, хотин-қизлар кенгашлари ҳам фаолият кўрсатишлари, тўй ва маросимлардаги ижобий жиҳатларни камол топтириб, уни маънавиятимиз мезонига айлаштиришда маъсулятини унутмасликлари даркор.

Т. ЭШОНҚУЛОВА,

Қашқадарь вилояти, Ғузур тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасини раиси

## НАВОЙНИ УРГАНАМИЗ

# МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

### ТАНБЕҲЛАР

1. Оламдаги ҳамма одамлар ўзларини ўзлари севадилар; уларнинг сўзлари ҳам ўзларига жуда маъқул туюлади. Башар жинсида мавжуд бўлган бу жиҳат — уларнинг табиатидаги жоҳилликдан далалдур... Шунинг учун одамзод оламдаги барча яхшиликларни ўзига раво кўради, ўзгаларга эмас...

2. КАМТАР инсонлар кўп гапиргандан қочадилар; улар кўп эшитмоқни истайдилар. Инчунун эшитмоқ — кишини бойитади, кўп сўзламоқ — саёзлатади. Шунинг учун кўп гапирганлар — кўп янглишадилар.

3. ХУДПАРАСТЛАР — буткул хизматкорлик қилиб эвазига жабр-жафо кўрганинг ҳолда, сендан яна хизмат кутадилар. Яна ҳар қанча вафодорлик кўрсатиб ранж-аламлар тортсанг-да, тагин сендан қуллуқ таъма қиладилар. Ҳар бир вафо қилганинг учун юз бир жафо чекмасанг — яна гуноҳдорсан ва ҳар меҳр-муҳаббатинг эвазига минг дард-алам тортмасанг — хонавайронсан...

Дўст сифатида жонингни бермасанг, жонингга қасд қиладилар ва уларнинг кўнгли учун ноҳақ қон тўкишга рози бўлмасанг, қонингни тўкадилар.

Китъа: Жафоларким, менинг жонингга етди давр халқидин, Бирон қофирдан етмас асло асир бўлгон мусулмонга.

4. Бисотни исроф қилиш — саҳийлик эмас, бу каби совуришни ақли одамлар саҳийлик демас. Халол молни куйдиргани — девона дерлар, ёруғ жойда шавм ёққани — ақлдан бегона дерлар... Кимки, бир муҳтожга ед олдида эҳсон берса, бу ҳам саҳийлик эмас. Муҳтож инсон тилаганидан кейин унга беришлик ҳам саховат эмас. Алқисса, тилаганда берганиндан — бермаганинг яхшироқ. Битта қулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга бергани — саҳий дерлар, қолган ярмисини ҳам қўшиб бергани — ахий дерлар.

5. КАРАМ ҚИЛМОҚ — бир жафокашнинг юкни кўтармоқ, унинг машаққатини енгиллатмоқдур. Ва шу қилган ишни миннат қилмаслик, ҳатто у ҳақда оғиз очмасликдур...

Ҳозирги пайтда қарам «сабзаси» сабзафурушнинг дўконидан бошқа жойда топилмай қолди. Шунинг учун қарам аҳлини кўз илғамай қолди: гўё у номавжуддек.

6. МУРУВВАТ — йўқликка чекинган қарамнинг қариндоши-уруғидир. Ё раб, буларнинг ҳар иккиси ҳам одамийлиги йўқолган бу халқдан қочиб, йўқлик дунёсига сафар қилибдур.

Қарам ила Мурувват қайда бўлсалар ҳам тангрим паҳоҳида бўлғай. **Филология фанлари номзоди Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади.**

# КРАНЛАР ҲАСРАТИ

кран.

Сирдарё вилояти Ховос шаҳарчаси Ниҳол кўчасидаги кранларнинг қаққайиб турганига икки йил бўлаёпти. Шу кўчанинг 18-уй қарши-сидаги кран зорланди: — Эй, яхшилар! Кўчамиздан ўтаётган катта-кичик, ёшу-қарилар, бир қулум сув беринлар... Икки йилдан буён роса чанқаб кетдим. Тилим қуриб, дабларим қақраб кетяпти. Худо хайрларингни берсин, ҳеч бўлмаса устимга бир пиёла сув селиб қўйинглар...

Ана, қаранг, бу инсонларда инсоф йўқ, кўзимни чаққатиб қунига неча ўнлаб бидонда, челақларда сув олиб ўтадилар-у, бир хўллаб сувларидан бермайдилар... — деб кўнглини бўшатди кўшни 22-уй қарши-сидаги қранга.

— Бу ҳам майлия, чидаб турибман, — давом этди мажолсиз ҳолда кўшни қран, — кечаги воқеа жон-жонимдан ўтиб кетди...

— Қандай воқеа экан? — сўради кўшни

— Ҳе, сен сўрама, мен айтмай. Қуни кеча икки мактаб ўқувчиси алдақаёқдан чанқаб келаётган экан. Тўғри менга ташланди, симириб сув ичмоқчи бўлди, аммо мендан наҳот бўлмагач, кўкрагимга чунон тепди, бу ҳам камлик қилгандай, икки сўз билан сўйиб ҳам кетди. Бутун вужудимгача куйиб-ёниб кетдим. Қран бўлганимга минг пушаймон қилдим.

— Ҳе, кўшни, сизники ҳолва экан. Яқинда менинг хўжайиним чиқиб «ҳа, қаққаймай ўл, қуруқ!» — деб арра билан калламини кесиб ташлади. Бағримни гишт ва цемент билан ўраб қўйганидан танамдан бўйим чиқиб, сўққайиб қолдим.

— Гапларингни эшитдим, — деди кўчанинг нариги томонидаги болалар тепкисидан қари чолдай букчайиб қолган учинчи қран. — Сизларнинг хўжайинларинг обрўли кишилар, ялиниб сўранлар — тегишли идоралардан созловчилар келиб бизда сув берадиган насос станциясидаги мурувватларни бураб кетишса, танамизга жон кириб қоларди.

— Яқинда оз бўлса-да, кўчамиз бўйича маблаг йиғиб кетишувди, — деди 18-уй қрани. — Аммо устларнинг мурувватлари бўшаганга ўхшайди. Ханузгача созлагани йўқ, Уларни энди мутасадди раҳбарлар келиб мурувватларини бурамаса, бизнинг аҳолга миймунлар йиғлаб қолаверарди.

— Сабр-тоқат, чидам-ли бўлайлик, — деди гириллаб чиққан товуш билан 19-уй қарши-сидаги касалманд қран, — бир амал-тақал қилиб ёзни ўтказасан, марра бизники. Қишга бориб эл назаридан қоламиз, шундан сўнг охириги ишончимиз — бобомиз ибн Хаттоб келиб бирор мўъжиза рўй берса, ажаб эмас...

— Иккинчи бир илин-жимиз, Афанди айтганидай, раҳбар ўзгариб сув келиб қолар ёхуд эгаларимиз кўчани кетар...

Шўринг қурғур кранларнинг сўхбатини пинҳона ёзиб олувчи:

О. РУСТАМОВ,  
Ниҳол кўчаси 18-уйда  
яшовчи фақажур

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# ДАВР БИЗНИ ОЛАГА БОШАЙДИ

-Касб байрамингиз муносабати билан кўнглингиздан қандай ўй-кечинмалар ўтаяпти? Бу ҳақда касбдошларимиз қуйидагича жавоб бердилар:



**Ойдин ХОЖИЕВА,** «Саодат» журналининг бош муҳаррири:

— Матбуотнинг нонини ейиш осонмас. Айниқса, бугун ҳар ойда бир янги нашр дунё юзини кўриб, мухлислар даврасига кирарётган демократия замонида. Елкасида қороз ташиб, босмадан чиққан нашрни ўзи тарқатиб, ёки ўз ҳамёни зиёнига бўлса ҳам газета чоп этиб, бугунги ислохотлар замонида миллатга хизмат қилаётган чинакам фидойи журналистларни кўриб хайратланмай қўйдик. Чунки бугун бош муҳаррир, ҳақиқий ношир шундай бўлмоғи керак—кўнглиларни забт этиш учун, элни бедорликда, ҳушёрликда тутиш учун ёниб ишламасанг, мақсад йўлига етиш мушкул.

Халқимизнинг бир мақоли бор: «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар». Не машаққатлар билан йўқдан бор қилиб, обуна тўплаб, жа-

моасининг оғир-енгилига, қош-қовоғига қараб, газета чиқарётган муҳаррирлар учун ўз маблағини ўзи тасарруф этиш эркинлик ҳам бериш даркор. (Албатта, инсоф билан), Журналистларнинг дам олишларини, уларнинг фарзандлари учун ёзги оромгоҳларни имтиёзли қилиш даркор. Албатта, кадрдон «Шарқ»имиз имкон борича бу йўлда бизларни қўллаб-қувватлаб туради. Бошқа ҳомий ташкилотлар, муассислар ҳам журналистлар учун ҳамёнларини кавлаб турсалар, ёмон бўлмасди. Журналистларнинг қаҳармонлари ортидан излаб юриши, иссиқ-совуқ кунлардаги сафар машаққатлари, уч-тўрт қайта саҳифа ўқиш, тунги навбатчиликлар...

Буларнинг барчаси фидойилик, жасорат эвазига амалга ошади. Ушбу Миллий матбуот байрами кунида Зухра Шокирова, Мухтабар Каримова, Раъно Толипова, Умида Абдуазимова, Дилбар Саидовалардай тинчимас, фидойи бош муҳаррирларни кутлагим келади. Култибека, Дилором, Кутбихон, Назокат, Муҳтарама, Гулжаҳон, Гулнора Маҳқамова, Кимё Хўжаева, Муаттар Асқарова, Гулчеҳра Умарова, Мукаррама каби етук, хо-

жиржавоб ижодкорлар журналистларни тарбиялаб, шундай хур фикрли қизларимиз Истиқлол замонида ёниб-жўшиб фаолият кўрсатаётганидан қувонаман. Уларнинг қадрни, мустақкам ўрни — менинг ҳам қадрим, ўрним деб биламан.



**Михли САФАРОВ,** «Халқ сўзи» газетасининг бўлим мудири:

— Бугун янги дунёқароши, маънавияти юксак инсон тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Бу кураш майдонида халқнинг ташвиш-муаммолари, орзумидларини ёритувчи матбуот, радио, телевидение ходимлари учун иш кўп. Биз даврнинг ана шу юксак талаблари даражасида ишляпмизми? Бу савол ҳамisha бизни ўйлантириши, тоблантириши, безовта қилиши керак.

**Марфуа АБДУКОДИРОВА,** «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири:

— 1957 йили мактаб партасидан собиқ «Қизил Ўзбекистон» газетаси тахририятига ишга келганман. Инсон сифатидаги қадримни, бахтимни матбуотдан топдим. Халқимизнинг ҳар бир хати, юзма-юз мулоқотлардан ҳар сафар чексиз хузур, илҳом оламан. Биз



зета ва журналлар ниҳоятда кўп. Ҳар бир нашрнинг ўз ўрни, ўз муштарийси, ўз овози бор, албатта. «Адолат» газетаси ҳам ўзининг талабчан муштарийлари билан фахрланади. Бош муҳаррирнинг қадрни у раҳбарлик қилаётган газета ёки журналнинг мартабаси билан ўлланади. Бугунги кунда бизнинг газетамиз ўн минг нусхага яқин чиқаяпти. Ўзининг мухлисларини топангидан фахрланамиз. Муҳаррир давлат ва халқ манфаатларини ўйлаб иш юритиши, Худо берган қалами фақат яхшиликларга хизмат қилиши керак. Шунинг ўзи унга ҳурмат оlib келади, эл ичра қадр топади.

**Сухбатдош**  
**Мухтор БЕК**



матбуот ходимлари улардан ҳар кун, ҳар лаҳза ўрганамиз. Оиламдаги оналигим, қайноналигим, «бувижон»лигим асос-мазмунини мен севимли касб-корим шарофатидан деб биламан.

Эл эътибори олий увон. Илоҳим, ҳар бир ижодкор эл назаридан тушмасин.

**Тўхтамурад ТОШЕВ,** «Адолат» газетаси бош муҳаррири:

— Мустақиллик шарофати билан бугунги кунда га-

## ЎҚИШ-ЎРГАНИШДАН ТОЛМАЙЛИК

Сухбат



**Муқаддас Халилова** иш фаолиятини 1978 йили Республика радио эшиттириш масканида бошлаган. Ҳозирга қадар шу жойда фаолият кўрсатмоқда. Оилали, турмуш ўртоғи билан

лан бирга 3 фарзандни тарбиялашмоқда.

— Муқаддас опа, касбингиз жуда нозик. Сиз ўзингизни кўпроқ қайси тоифага мансуб ҳисоблайсиз?

— Бу нарса кўпроқ кайфиятимга боғлиқ. Ҳамиша олдинга қараб яшашга ўрганганман. Баъзан ноҳақликларга дуч келсанг, андиша кучлилик қиладимки билмадимки, бировнинг юзига тик қараб ҳақиқатни айта олмайман. Кейинчалик ўзимни кечира олмай юраман.

— «Эрни эр қиладиган... хотиними?»

— Бу саволингизга «ҳа» ёки «йўқ» дея олмайман. Чунки хотини нима деса тўғри экан деб, эгилиб кетаверадиган эркакни эркак дейиш мумкинми? Қолаверса, ўз гурурини биладиган эркак хотинининг орқасидан эр бўлиб юришини мен дилимга сингдира олмайман... Афсуски, баъзан хотинининг топиш-тутиши билан гердайдан йигитлар ҳам учраб туради.

— Рудажий «Ҳаётдан олмасанг таъ-

лим, сенга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» деганидек, сиз «ҳаёт» мактабидан нималар олаясиз?

— Бизнинг ота-боболаримиз Фузулий, Навоий, Огаҳий, Машраб, Бобур газалларини ёддан билишган, маънан бой бўлишган, фарзандларини энг аввало одам қилиб тарбиялашган. Одам ўқиш-ўрганишдан толмаслиғи керак. Билим-мисоли бир офтоб. Турмушимиз билан офтобдан нур оласа, ҳаёт шу қадар фаровон бўлаверади, деб ўйлайман.

**Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,** Жаҳон тиллари институти талабаси

Ўзбек халқи қадимдан тўйпараст. Инсон боласи туғилгандан то охириг йўлга кетгунга қадар бешиқ, суннат, никоҳ тўйлари ўтказилади. Энди эса унинг ёндажиқ юбилей тўйлари ҳам қўшилган. Кекса отахон, онахонларининг ҳамisha дуога қўл оқанларида «Топганларинг яхши тўйларга буорсин», — дея ният билдирадилар. Дарҳақиқат, тўйнинг жуда яхши тарафлари кўп. У инсон ҳаётидаги қувончли дамларни бир умр эсда қоладиган бўлишига хизмат қилади. Тўй баҳона узоқ-яқин қариндош-уруғлар йиғилади. Уғил ёки қиз ўстирган отананинг орзу-хаваслари ушалади.

Ҳа, дарвоқе, орзу хаваасни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир шу нарса деб йиллар бўйи рўзғордаги энг за-

рурий эҳтиёжлардан тежаб-тергаганини бир кунда тўй баҳона сочади-ю, шу йўл билан «Фалончи зўр тўй қилпти-да», деган номга эга бўлмоқчи бўлади.

Аслида-чи?! Масаланинг туб моҳиятига эътибор берсак, инсон кучоғига сигмайдиган сарполарни йиғиш, тўйни дабдабали ўтказиш учун фарзандлари униб ўсаётган чоғида улардан витаминга бой маҳсулотларни кизганини, тўғрироғи пул бўлсин деб, ўз томорқасидаги мева-чевадан тортиб, сабзавот маҳсулотларига чак бозорга олиб чиқиб сотадилар. Кўпича бўйи пастигини яшириш учун баланд пошна туфли кийиб олган қизларни кўрганим-

да ёки армия ёшидаги нимжон йигитларни кузатганимда жорагимдан шундай ўйлар кечади:

Қачонгача арзимас майда-чўйда гаплардан кўрқиб соғлиққа ҳам, чўнтакка ҳам қонни зарар расм-руслардан симиш воз чолмай-Меним-ча, тўйларга кетаётган орликча сарф-харажатлари фарзандларимизнинг билим олишлари, касб ёки хунар ўрганишлари учун, уларнинг ҳам маънан соғлом бўлишлари учун сарфласак «мақсадга мувофиқ эмасми?!» Фарзандларимни тоғ бағри-

да жойлашган лагерга дам олиш учун жўнатаётганимда ўзбек болаларидан кўра рус ва бошқа миллат болаларининг кўплигини кўриб бир ўйга толган бўлсам, Чорвоқ бўйларидан бризентдан уйча қуриб мазаза қилиб дам олаётганлар ҳам бошқа миллатга мансуб одамлар эканлигини кўрганимда ўзбегимнинг ҳолига ачиндим. Гапнинг очиги, фарзандларимиз ёзги таътилга чиқиши билан уларни нон ёки у-бу нарса сотиш учун бозорга чиқариб, ўзимиз ҳам уй қуриш, тўй қилиш дардида қачон охириг марта дам олганимизни эслай олмаймиз.

Биз аёлларни вазирларга қиёс этишади. Шундай экан, оиламиз подшоҳлари бўлган

эркакларга қандай маслаҳат, йўл-йўриқлар бериш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Кейинги пайтда 40-60 ёшлар чамасидаги эркакларда юрак касалликлари кўп учрамоқда. Юрак хасталиги билан оғриган беморлар кўплари яқин орада қиз чиқарган ёки ўғил уйлантирган оталар экан.

Умуман биз «фалончи гапироди» деган истиҳолдан йироқ бўлиб, оиламиз шароитидан келиб чиқиб, тадбирларимиз оқилона ўтказилишига эришмоғимиз керак. Дадил ҳаракат қилишимиз учун эса юртбошимиз чиқарган Фармон бор. Шундай ҳам қисқа умрда ўзимиз учун ҳам яшашимиз керак эмасми?

**Муҳайё МИРСАЙДОВА**

# СЕВГИ САРОЙИДА МЕҲМОН ЭМАС, МЕЗБОН БЎЛИНГ

«БИЗЛАРНИ ОДАМЛАР ТУШУНАРМИКАН?» — 4-сон

Синглим Ситора. Ҳаётда севи-муҳаббат дея аталмиш сирли гулшанда ўта мураккаб йулга тушиб қолибсиз. «Муҳаббат боғи»га ўзича сайр қилган кишиларда кези келганда бу боғдан чиқиб кетиш имкони бўлмай қолади. Сиз ҳозир мана шу боғ ичида оламшумул орзу-хаёллар билан, муҳаббатнинг афсонавий сирли оғушида мисоли куч каби парвоз қилгандисиз. Гуёки ҳаётда излаган кишинингизни тоқдингиз, ўзингиз орзу қилган севи саройининг маликаси бўлдингиз.

Лекин сиз мана шу «муҳаббат боғининг» келажакда ўзингиз уйлагандай бўлишини, севи саройи сизга мустаҳкам бир қалъа бўлиб, бир умр хизмат қилишини чуқурроқ уйлаб кўрмайсиз. Турри, севи дардига мубтало бўлган ҳар бир инсон ўзининг ҳиссиётларини бу «сирли куч» олдига жоловлай олмади. Севи шуни билан ҳам севи-да.

Хали ун гулингиздан бир гулингиз ҳам очилмаган. Муҳаббат бобида янги олтин саҳифалар очилган ҳам улғурасиз. Сизга ўзининг юраги туридан жой ажратишга шай турган йигитлар қанчадан қанча топилади. Синглим, тақдирга тан беринг-да, севи га йигитингизга «Бахтли бўлинг» деган сўзингизнинг энди ҳақиқийсини айтинг. Сиз у йигитнинг юрагидега фақат меҳмон сифатидега қолдингиз. Сизни юракдан севиб

қолган йигитни ҳам тўғри тушуниш керак. Лекин йигит киши учун муҳаббат гунчаси бир марта очилади. На-чора, тақдир экан. Бунга тан бермасдан иложингиз йўқ. Зероки, биз танлаган севи йўлида бир бахтнинг устига янги бир бахт қуриш, менимча фалакка иккита кўёш чиқиси билан баробар бўлса керак. Сиз севи га йигит ўзида мужассам бўлган меҳр ва муҳаббатни сиз ва хотинига бир хилда тақсимлай олармикан? «Севи саройи» — бу улкан кошонани севи-вигли ёрингиз, сиз ва умр йўлдоши билан мустаҳкам қилиб, барпо этолармикан?

Шундай экан, азиз синглим, сизга у йигитни унутини маслаҳат берардим. Сиз бу йўлни танлаётиб, севики кишинингизни умр йўлдоши ва унинг «ҳаёт гултожи» деб аталадиган севи-вигли фарзандини уйланг.

Уйламанки, ҳаётда сиз ўз йўлингизни топиб кетасиз. Кимнингдир сизга талпиниб турган юрагидан фақат энди меҳмон эмас, балки меҳзон сифатида муносоиб жой топишингизга Оллоҳдан сабр-тоқат тилаб қоламан.

**Қахрамон САФАРОВ,**  
Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти тарих-филология куллий-тининг V-курс талабаси

# НОЁБ ДУГОНАЛАРИНГИЗ БОР ЭКАН-У, ЎКСИНМАНГ!

«Бу номни кўтариш оғир экан» — 16-сон

Дили «яра» синглим, Сайёраҳон!.. Изҳорингиз менинг ҳам ярамни янгилади: «Кимга айтиб, кимга йилгай бу ўлимнинг доғини», — деб нола чикаркан инсон айрилиқ дардига чидалмай.

Мана 5 йилдирки, 35 ёшли ўғлим Азизхон қасалланиб, сизнинг севи-ли ёрингиздек, ҳаётдан эрта видолашган. Ундан шириндан-шакар 2 ўғил: Отабек ва Алибеклар ёдгор бўлиб қолишган. Аллоҳнинг иродаси экан, кўнмайин на илож, сиз айтгандек, буларга ҳам кўз тенди, чамамда, унинг севиб уйланган аёлини юпата олмай, бирам эзилмаман. Худойимдан ўриглайки, шундай меҳрибон, саранжом-сарашта, удумли, ўзгалар қайғусини ўз қайғусидек билладиган аёлга беваликни раво кўрганларидан куюнаман. Иккиси узукка кўздек, бир-бирига жуда-жуда муносоиб эди.

Сизнинг дардингизга қалбан шерикка ўхшайман. Чунки мен ҳозирда меваси сўриб олинган хусайн узум-ғужумига ўхшаш ичи бўм-бўш

одамман. Бевақт хазон бўлган ёрингизни бошқа ёш оилалар ўрнак олса арзигудек «Соясига кўрпача солиб, интиқ кутишингиз, ўзбекона эъозлашингиз, юракдан севишингиз» яхши оиланинг фарзанди эканлигингиздан далолат беради.

Синглим, «Нима қилардим-бир кам дунё экан», дебсиз афсусланиб. «Уй-жойим, болам бор — 4 та. Уларга Худодан умр сўрайман...»

Болаларингиз-бойлигингиз, уларга умрига қўшиб инсофини ҳам суранг. Уларнинг тарбияси, ўқишини маромига етказсангиз, вақти келиб уларнинг орқасидан бойвучча хотин бўлиб, эъозланиб яшасиз. Қиз-ми, ўғил-ми, «дил-изҳорингизда» ёзмайсиз. Барибир ҳаётингиз ҳозирда югур-югурларга тўла, ушалар билан ўзингизни юпатаинг. Улгандан-қолган яхши, деган нақл бор. Зурриёд қолмаса, нима қилардингиз...

Бир узокроқ қариндоши-мизнинг ўғли уйлангач, бир ой ҳам ўтмай юқори қаватли тоқ билан қуйиб ўлди, келинчак бечора эрининг дийдорига тўймай, бахтсиз-

лик қурбони бўлди. «Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил», деб бежиз айтишмаган экан.

Илоҳим, умр йўлдошингизни Аллоҳ раҳмати-га олган бўлсин. Улардан қолган фарзандларингизнинг бошлари тошдан бўлсин, илоийм. Ноёб дугоналарингиз билан юпатаинг. Уларга сарфлар меҳнатларингиз эвазига сизни қафтида кўтарадиган йигит-қизлар бўлиб етишиши бу кўп жиҳатдан сизнинг солиқингиз, ҳаракатингизга боғлиқ. Тинимсиз куюна-версангиз, соғлиқни бой берасиз-да, болалар тарбиясига яролмай қола-сиз, синглимжон!

«Бева бўлиб қолиш сира ҳам хаёлимга келмаган эди. Бу номни кўтариш жуда оғир экан», дея ўқиниш ўрнига Юлдуз Усмонованинг «Ёлғиз қолган аёл, ўзингизга ишон!» деган хитобига амал қилингиз-да, ўзгаларнинг бўлар-бўлмас гапларига эътибор берманг.

**Афифа ҲАСАН қизи**  
Меҳнат фахрийси

# БОЛАЛАРИНГИЗГА КЕРАКСИЗ

«МЕҲРИНГИЗГА, МАСЛАҲАТИНГИЗГА ЗОРМАН» — 5-сон

Мен Гулиҳаё опамизнинг дил изҳорини ўқиб тўғриси ҳам ажабландим, ҳам нафратландим. Ажабланганимнинг боиси шундаки, наҳотки орамизда ҳали ҳам шундай инсонлар бор? Нафратланганим сабаби эса, наҳотки эркак киши (бундайларни йигит деб бўлмайди), шу даражада пасткаш, тубан бўлса?.. Уз болаларингиз насибасини қирқиб, нарсасини сотиб, шунинг эвазига наҳотки роҳатланса?..

Ишонгинг келмайди. Ахир, ҳар бир инсон дунёга келиб, улғая бошлаганидан унинг орзу-истаклари ҳам улғая боради... Бу акамиз бўлса... Бу киши ҳам ёшлигидега орзу-умидлари, яхши ниғтилари бўлганлар, қани энди ўша орзу-умидлар? Уларни амалга ошириш учун шижоат, қатъият, қолаверса, бурч, виждон деган тушунчалар ҳам бўлиши керакку! Бундай инсонлар қалбидега бу тушунчаларнинг ҳаммаси аллақачон бўлганда муз каби музлаб бўлган. Бу кишилар дунёдаги бор лаззатни, орзу-ҳавасни, яхшилиқларни, ҳамма-ҳаммасини, аллақачонлар бир томчи оғуға аялиниб юборганлар. Ишқилиб, ҳар кимга худо инсоф берсин. Ундан бошқа чора йўқ.

Шу ўринда Гулиҳаё опамга икки оғиз сўзим бор. Гулиҳаё опа, Сиз шунча жабру-ситамлар-

га чидабсизми, бундан буюрига ҳам чиданг. Нотўғри ва ноўрин хаёлларга борманг. Шайтоннинг сўзига кириш-иродаси заиф одамларнинг иши. Сиз эса бу хаёлларни эслашингиз ўзини даҳшат деб билинг. Ахир, ўзингизга керак бўлмасангиз, уч норасида болаларингизга, опасингиз, ака-укаларингизга, қолаверса, дўсти-дугоналарингизга, сизга хайрихоҳ бўлган барча-барча яхши кишиларга кераксиз. Халқ таъбири билан айтганда, ариқларни қазидингиз, энди зилол сувларидан ичиб, баҳраманд бўлинг. Болаларингизни ҳузур-ҳаловатини кўринг. Сизга қилган яхшилиқлари учун ака-укаларингизга, яхши кишиларга ўзингиз қайтаролмаган яхшилиқларни фарзандларингиз қайтаратганларини кўриб, қувонадиган қунар ҳам қолади. Зеро, оининг ўн беш қоронғу, ўн беш ёруғ. Эрингиз билан эса яшаш-яшамаслигингиз, аввало ўзингизга ҳавола. Қолаверса, мусулмончилик шариатида нотўғри сўзлар айтилгач, эрхотин ажралиши керак. Шунча гап-сузалардан кейин номард эрингиз ярашмоқчи бўлса, янаям ўзи билади.

**Қамол эҳтиром ила,**  
Мансур Мўминов,  
Шаҳрисабз

# ҲАЛИ ҲАЁТИНГИЗ ОЛДИНДА

Синглим О. Сиз тўғри иш қиласиз. Уч ой хотини, боласини йўқламаган одам билан яшаб бўладими?

Уқасининг келинойсига қилган муносабатлари гирт аҳмоқлик. Уқасининг бу ишлари мусулмончиликка ҳам асло тўғри келмайди. Синглим О., сиз 19 ба-ридан энди қаршилаган акансиз. Ширинтой ўлингиз ҳам бор экан. Ишонинг, сиз ҳали севадиз, севиласиз, турмушга чиқасиз, ҳаётингиз яхши бўлиб кетади. Шунда сиз энг бахтли аёллардан бири бўлиб қоласиз.

**«МЕН ТЎҒРИ ИШ ҚИЛЯПМАНМИ?» — 12-сон**

**Наргиза Бухоро**

# СУДАДА ҲАММАСИНИ ГАПИРИБ БЕРИНГ

Бу мақолани ўқиб чиқиб, ёқа тишлайсан киши. Таваба, қандай инсонлар бор-а! Бундайларни халқ олдига жазолаш керак. Қолаверса, эрингиз энди сизга эрлик қилмас экан. Сиз синглим, жуда тўғри иш қиласиз. Сиз бўлган воқеаларни «Оила ва жамият» газетасига қандай ёзган бўлсангиз, судда ҳам шундай батафсил гапириб беринг. Сиз ҳақсиз.

**Ҳайдарали ЭРГАШЕВ**  
Ёзёвон тумани, Соё-Бўйи қишлоғи

# БОЛАНГИЗГА ИБРАТ БЎЛИНГ

«Огоҳ бўлинг, эркаклар» — 23-сон

Хурматли синглим Р. Доно халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр деган нақл бор. Ҳар кимда ҳам ўзига яраша ташвиш, оиласида муаммо бор. Кимдир турмуш ўртоғидан, кимдир ўғил-қизидан, кимдир ишдан норози бўлиб яшайди.

Менимча, бу ёруғ дунёда тўқис инсоннинг ўзи бўлмас керак. Мақтубингизда 23 йил бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғингиздан кўрмаган меҳрини бошқа бировдан, озгина муддатга малака

оширишга борганда танишган бир бегона эркакдан кўрганингизни, ширин сўзларини шайдоси бўлганингизни ёзиб-сиз.

Сиз ўша танишган эркакни оиласи — аёли, қизлари билан яқиндан танишидигизми ёки ўзи билан бўлиб ўтган суҳбатга асосан унга меҳр қўйдингизми?

Балки, сизнинг турмуш ўртоғингиз ҳам бошқа бир аёлга шундай деса, у ҳам ишонар. У ҳам сизга беролмаган меҳрини бошқа бир аёлга бера олар?!

Менинг ёшим 48 да, 4 фарзандим, 6 нафар набирам бор. Турмуш ўртоғим вафот этганларига 14 йил бўлган. Фарзандларимни ёлғиз тарбиялаб вояга етказдим.

Сизга опалик маслаҳатим: ёш экансиз, ҳадемай қудандалик бўласиз, бир нарсани кўпчилик ўртасига ташлашдан аввал «Ўзгага озор бермасмикман?» Бировни дилини оғритиб қўймасмикман?» деб ўйлаб кўринг.

Ундан ташқари, фарзандларингиз катта бўлиб қолибди, улар олдига отаси ҳақидега салбий гапларни гапирмасликка ҳаракат қилинг.

Оллоҳдан ўғил-қизларингизга бахту саодат, ўзингизга сабр тилаб яшанг.

**Н. СОДИҚОВА**

# ҲАВАСНИ МУҲАББАТ ДЕБ АТАМАНГ

«Пешонам шўр экан» — 11-сон

лб эгаси — эр хотинини чекира-верибдию, таннозон эса яна ўша номард ўйнашини деб гулдек оиласини бузган. Бунинг оқибатида эса бир инсон пешонасига «уйланиб ажралишган» деган хунук тамгани бостириб қўйиб кетган. Яна «пешонам шўр экан» деб бутун республикага жар солиб, «маслаҳат» сўраганига қуюсан, киши.

Севи! Эҳ, бу севи деб аталмиш муқаддас тушунчани шарм-сизлар юзларига никоҳ қилиб олишадю, лаззатланиб, еттинки о-

монда учиб юришадю. Ерга қулаб тушганларида эса «мен нима қил-дай» деб, барчанинг бошини қотиришадю.

Муҳаббат бу — ишон, яхшилиқ, эзгуликдир. Демакки, инсонлар бир-бирларига етишини ўйлаб эмас, балки бир-бирига яхшилиқ соғиниб яшайдилар. Х. эса ўзиндан тўрт ёш кичик бўлган (ўзининг уқасидан ҳам кичик!) ёш йигитни «бошини айлантириб» олиб, сўнг унга бутун борлигини ҳам топшириб қўйиши, ниҳоятда кемирилмас

ғуноҳдир! Тўғри, севи ёш танла-майди. Лекин Х.нинг тутган тутмиши ҳеч қандай севи эмас, балки ўткинчи эхтиросдир.

Дарҳақиқат, бировни дарров оку-қорага ажратиш осон. Зеро, инсон нуқсондан холи эмас, албатта. Бирок, ҳар қандай кўр одам ҳам ҳақсасини бир марта йўқотади. Х. эса ҳеч ҳам кемирилмас хатоларга бир неча марта кўр ўрган. Бегуноҳ инсон — турмуш ўртоғининг уволи уни уради, ҳали.

Яқун ўрнида, муҳаббат остонасига турган қизларга мурожаат этмоқчиман-ки: қизлар, севи-линг, севилинг. Бирок, бу йўлда сизни тушунадиган онажонимиз билан сирлашнинг, маслаҳатлашнинг. Севган инсонингизга эса фақат яхшилиқ қилинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам эхтиросларингизни жоловлаб, сабр ила яшасангиз, юқоридеги каби Х.га ўхшаб аро йўлда қолмайсиз. Яратган Эгам худуққа ва сабр қаноатингиз эвазига севи га инсонингиз билан тақдирингизни бир қилса ажаб эмас!

**Нигора САЙДАЛЛЕВА,**  
Анджон шаҳри.

11-сондаги фарғоналик Х.нинг дил изтиробларини ўқидимку, тўғриси Х.га нисбатан юрагимда нафрат, унинг турмуш ўртоғига нисбатан эса ачиниб ҳисси уйғонди. Чунки Х.нинг эри биринчи кўз очиб кўрганни ниҳоятда севагани учун келинчак «нопоқ» чиқса ҳам кечирган. Энди ўлган устига қолган қилиб, ҳомилдорлигини билган ҳам (ё таваба!) кечирган. Бу қанчалар олийжаноблик, қанчалар инсонийлик, мардлик. Бундайин кецирмилдикнинг қаттида севи, яхшилиқ, эзгулик ётади. Бирок, Х. кўрликни қилиб қўйиб, ортигига кўрнамалиқни ҳам шароб қилиб олиб, беармон ичган. Буюк қа-

**Хурмати Лавалзон Сифождитдинова!**



Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин орақдан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

**Турмуш ўртоғингиз Абдужаббор, фарзандларингиз, набираларингиз**

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

**Онақоним Муҳтабар Азамова!**



Сизни муборак 50 ёшингиз билан қутлайман. Оллоҳдан узок-умр, соғлиқ тилаб қизингиз

**Дилфуза**

**Хурмати Ашшоф, Дафрон ака ва Қожақабар!**

Сизларни таваллуд кунингиз билан қутлайман. Сизларга бахт, иқбол, фаровонлик, оилангизга файз, кут-барака тилайман.

**Барно**

**Азиз ота-онамиз Мавлудахон ва Тоҳиржон Иминовлар!**

Сизларни муборак 49 ёшингиз билан қутлаймиз. Оллоҳдан доимо соғ бўлишингиз, қўша-қариб юришларингизни тилаб,

**Фарзандларингиз**

**ҲАСАНОВ АБДУРАҲМОН АСҚАРОВНИНГ ХУСУСИЙ ДОР КАЛИНИКАСИ**

куйдаги касаллик билан оғриган беморларни **КАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1. Ҳипертензия
2. Ҳипертония
3. Ҳипотония
4. Сабабсиз йўтал ва аденоидлар.
5. Эшитишнинг заифлиги ва кулоқдаги шовқинлар.
6. Томоқда ёт жисмини сезиш ва бошқалар.

Мурожаат учун телефон: Қаторгол кўчаси, 17-мавзе, 32-уй. (Ҳанза) Манзил: Мўртазов кўчаси, 17-дан 21 гача. Халқлар дўстлиги кўчасидан «Совпластитал» заводи йўналиши бўйича.

**«ДИОРОМ» ҲУҚУВ МАРКАЗИ ТАКАНО ЭТАДИ:**

**2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

1. Зарфозлик — Бухоро
2. Авлар кийимларини тикшиш ва бичиш, моделлаштириш.
3. Авлар енгил кийимларини тикшиш ва бичиш, моделлаштириш.
4. Машинада қўлда гул тикшиш.
5. Компьютер билимлари.
6. Бухгалтерия ҳисоби.

**3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА**

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
2. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.

Манзил: Муртазов кўчаси 40-уй, 3-қават, 63-хона. Тел.: 58-48-50, 144-65-48.

**Мўлжал: «Қозоғистон» кинотеатри**

Тошкентдаги Қадшев бозори ёнида 5 хонада уй солинади. Мурожаат учун тел: 94-34-69.

**Турмуш сабоқлари**

**ФАРЗАНДА БАХТИНИ КЎЗЛАБ**

Хонада ўтирувдим, телефон жинглик қолди. Тўғрилик олсам, бир аёл йилга аралаш саломлашиб: «Бу релаксациями?» — деб сўради. Хали саволига жавоб бериш ҳам улгурмаган эдим, у сўзида давом этди.

— Илтимос, газетанинг кейинги сонларида мен ҳақимда ёсанлар. Зеро, менинг ҳаётим янги қўда-анда бўлаётганларга, турмуш қуриш бўсағасида турган йилги-қизларимизга сабоқ бўлса. Ҳеч қим мендай фарзанд доғида қўямасин, — деб йўналди юборди.

— Синглим, ўзи нима гап қандай муаммо сизни қўнғашти. Балки мен ёдам берарман, — деб сўради. Шундан кейин нотаниш аёл ўзини таништирди:

— Менинг исми Барно, ёшим 26 да, у фарзандим бор. Ота-онам хоҳиши билан ўз тоғамнинг ўғлига турмушга чиққанман. Каттамуш 6, ўртанчиси 4 ёшда, кенжаси 1 ёш 8 ойлик. Ҳозир худаям оғир ахволдаман. Икки фарзандим ногирон туғилган. Уларнинг ярми касалхонада Утавти. Эринимнинг лавойи фалак, касалхонага ҳабар олгани 3-4 кунда бир келди. Керакли дори-дармонларни олишга қийналиб, қайнона-қайнотамдан ёки хўжайнимдан пул сўрасам фақат ҳақорат сўзларини эшитаман. Сотса аригулик ҳамма нарсаларини сотиб бўлдим. Ҳозир яна кичик ўғлим билан касалхонадаман. Дўхтирларнинг айтишича ўғлимнинг дардига даво йўқ эмиш. Қайнонаман келганларга дўхтирнинг сўзларини айтсам:

— Сен ўзи қачон соғ бола туғурдинг, — дедилар. Бу сўз қўйган юрагимни яна ҳам қўйдириб. Ахир менда нима айб, қайси она фарзандини ногирон, хаста туғилишини хоҳлайди. Врачларнинг айтишича, буларнинг ҳаммасига ҳомила даврининг оғир кечиши, вақтида турри овқатланмаслик, организмга керакли витаминларнинг етишмаслиги, гивҳанда моддаларнинг истеъмол қилиниши ва айниқса, икки юрак қариндошини турмуш қуриш сабаб дейишди.

— Аслида мен бир-биримизни ураштирашганда «йўқ» деб жавоб берган эдим. Лекин онам «Тоған ўзимни акам, уларга келин бўлсанг, сендан кўнглинг тўқ бўлади» — деб хол-жонимга қўйишди. Хатто катта ўғлим ногирон туғилганда, — «Ойи, мен ажрашаман», — деб келганимда, ойим: йўқ, мени қариндош-уруғларим ичда шарманда қилма, деб эшитишчи ҳам истамидилар. Ёна уйга қайтиб боришга мажбур бўлдим. Иллар ўйди, кейинги болам ҳам ногирон туғилди. Биласизми она, хатто бир кун болаларимнинг қиналатганини бошқа қўрмайин деб бир кунги дори-ни ичиб юбордим. Аммо болаларим бахтига тибр қолдим.

Шўрлик она кечинимларини ашитарманман, жон ҳолатда: «Йўқ, синглим бундай қилишга ҳақингиз йўқ, чунки болаларингизга ҳеч қим ойнак қила олмайсиз. Сиз уларга хани жуда кераксиз» — деб юборибман.

— Ҳа, ҳа бир ота-она фарзандни улғайтиришда кейин унинг бахтли бўлишини истайдим. Аммо, шифоқорлар яқин қариндошлар қиз олиб, қиз бериши медицина томонидан турри келмаслигини ҳақ қанча айтишмасин, қўлоқ солишмайди. Икки ёшим зўрлаб қариндош-уруғчилигини, оналик сўтини рўқиб қилиб, турмушга беришда ёки улғайтиришда. Лекин зўрлаб қўрилган ҳаёт нимагадого олиб келишини тасаввур ҳам қилишмайди. Ҳоҳида кеч бўлганидан кейин афсусланишарди.

— Барнохон, Сизга Оллоҳдан сабаб-тоқат, қайнона-қайнонатизга, хўжайнимизга эса исноф сўрайман.

Сизларнинг эса аниқ мушаррифлар бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

**Наима СУЛТОНОВА**

**«ҚАРИ БИЛГАННИ — ПАРИ БИЛМАС»**

Укам Баҳодирни 1980 йили, яхши умидлар билан уйлантирдик. 1982 йили шириндан-шакар қиз қўришди. Қизининг отини Муаттархон қўйишди. 1986 йили ўғил қўришди, отини Ботиржон деб аташди. Укам оиласи билан ниҳоятда тинч-товуш яшади. 1992 йил укам Баҳодиржон оғир дардга чалиниб, 34 ёшида вафот этди. Укамни умр йўлдоши Муножатхон, бир ўғил, бир қизи билан 28 ёшда бева бўлиб қолган эди. Энда укам қайта тирилиб келмасди. Оила курсга, ҳеч қим айб қилмасди. Эрга тегса бўларди. У болаларини ўғай отанинг қош-қовоғига қаратмаслик, эҳтимол умр йўлдошини арвоқини норози қилмаслик учунми, ёки буни Бевафлик деб билдимиз, эрга тегмади. 1993 йилнинг июлида келинимиз туш қўрибди:

Укам ҳовлимизга янги велосипедга келиб қизини олди, ўғлини орқасига миндириб жўнабди. Шунда келинимиз: «Ҳой دادаси, болаларни қаерга олиб кетаётиз?» деган саволига укам «Болаларни ўзим билан олиб кетаман», деб ҳовлидан чиқиб кетибди. Эрталаб ноқўшта пайтида келинимиз қўрган тушини айтиб берди. (Онамиз Оллоҳга шўқрлар бўлсин, ҳозирги кунда 76 ёшга киришди). Онамиз уйчан фикрлаб туриб, «ўғилгинам қизини, ўғлини соғинган бўлса керак-да. Ҳа, ҳаммиша «арвоқ» ҳозир-ку», деган гапни айтишди. Ҳаммамиз ишимизга жўнадик. Мен «Фурқат» тумани (собик Фрунзе), ҳозирда «Дўстлик» давлат хўжалигида ишлардим. Ишга кетиш олдидан онамизни дуосини олиб кетардим. Шунда онам менга айтишдики, «ўғлим, ишингдан 3-4 кунга рўҳсат олгин», дейишди, мен ҳайрат бўлиб, онамиздан сўрадим: — Нима бирорта маърака қилаймизми? Онам маъроса ўйлабди туршиди-да: — Ҳўғлим, сен оилангиз қаттаси бўлганинг учун, келинини қўрган тушини таъбирини сенга айтмай. (Тағин бу сирни яққало ёлғиз Оллоҳ билди). Укам нега биттасини эмас, икковини олиб кетибди, бунда бир сиринот бор. Шунда мен онамга танбех берган кишиб бўлиб, «онажон, ўзингизча ҳар хил фикрларга браверманганда», деб жавоб бердим. Онам бўлсалар маънос ўйлабди, «Оллоҳ ўзи арасини», деб дуо қилдилар. Мен ишга шўнчалик берилиб кетибманки, орадан 5-6 кун ўтганини билмабман. Катта ўғлим зарурий ишлар билан уйда қолган эди. 1993 йилнинг 17 июнь кун эрталаб соат 5-ларда олдимга келди, шунда юрагим бир нарсани сезган каби, ўғлимдан «уйдагилар тинчми?» деб сўрадим.

Ҳўғлим бўлса қўзида ёш билан, «Баҳодиржон амақимини ўғли ва қизини тоқ ушлаб, иккови оламдан ўтди», деган қабарни айтди.

Тинчлик замонида бундай гап қилишни таажжубга солиши табиий, албатта, бу мени ҳам ҳайратга солди. Бу воқеа 16 июнда содир бўлган эди. Радио-

**«ОИЛА — 531»**

Олий маълумотли, 30 ёшли, уйланмаган, келишган йилги мустақил фикрли, турмушга чиқмаган қиз билан оила қуриш учун танишини хоҳлайди. Вилоятдан бўлса, айлани муддоа.

Тошкент шаҳар Мирзо Улўбёк тумани 49-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Раҳимов Зулфия Кудратовна номига берилган О'И'Р-6 № 008039 рақамли шаходатнома бекор қилинади.

Ишбилармон ҳамда фаол хоним ва жаноблар. Ишга тақлиф қилинадилар. Қисқа вақт ичда ўз сармоянгизни 50 баробар оширишингиз мумкин. (Савдо-сотик эмас)

Тел: 30-32-26. 202 дан 23гача мурожаат қилинг.

**ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ**

**Савол:** Мен ажрашган эримдан алимент олиб турган эдим, аммо 1998 йилнинг декабры ойдан бошлаб алимент келмайди, у воғга етмаган икки фарзандимиз учун алимент тўламай, қочиб юрибди. Унга нисбатан чора борми, суд орқали алимент тўлаш ҳақида қарор ҳам борми.

**Инобат Мирзаева, Хоразм вилояти.**

Жавоб: Воғга етмаган муҳтожа моддий ердан олиш ҳақида суд орқали алимент олишнинг керак бўлса ва ажрашган эрингиз қўл вақтдан бери бош тўлаб тўламай келаятган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 122-моддасига асосланиб, яъни сўдининг ҳал қилувчи қарорига биноан ундирилиши керак бўлган алимент тўламаган бўлса, ҳамда 3 ойдан сабабсиз олиб кетган бўлса, унга нисбатан оқоридати модда бўйича жиноий иш қўзғатилиб энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима солинадиган ёки 6 ойгача қамқоқ жазоси билан жазоланади.

**Забихилло МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос**

**ҚИЗИМ, СЕНГА АЙТАР ГАПЛАРИМ БОР...**

— Эй, сен, юрагимнинг бир парчаси, жигарбандим, меҳрибон қизим. Мана энди ўзинг туғилиб ўсган, қизлик йилларинг ўтган ис-сик ошвининги тарқ этиб, бутунлай бегона хонадонга келмакдасан. Ҳа, ўзинг билмайдиган нотаниш бир уйга, зеро абалдай ўз уйинг бўлиб қоладиган хонадонга борасан. Қиз боланинг пещонисига шўндай эзилган экан, бу Яратқанингни аман қарори эрур. Биласанми, сени келин бўлиб бораётган хонадонингда қимлар кутмакда? Ҳаммадан аввал, сенга интиқиб бир умр таянч, йўлдош бўлиб қоладиган энг ишончли кишинг — қадрдон эрингдир. Сен ул зотга меҳрли бўл. Унга шўндай садоқат билан хизмат қил, қўрсатилки, у ҳам сенга боғланиб қолсин. Унга шўндай меҳрибонлик қўрсатилки, сени бир умр бошида олиб юрсин.

Ҳаммадан ҳам эрингнинг волидай меҳрибонига, падарни бузқорвонига қўлингдан келгунча меҳрли бўл. Хурматини ҳам, хизматини ҳам ўрнатин қўй. Агар шўндай қилсанг, эрингнинг меҳри товланиб, қўндан-қўнға муҳаббатли, эътиборли бўлиб, айтганларингдан чиқмайди. Шўнда бир-бирингизга маслаҳатқуй, да-

рдқаш бўлиб қоласизлар. Эрим менга ишонади, сўянади деб, қайнота, қайнонанга хурматсизлик қила. Шўни ҳеч ёлдиндан чирармағилки, сен бир эстетика бош қўйган йўлдошини уларнинг жиғарлораси, қўзининг нури эрур. Эрингнинг ака-укалари, она-сингиллари, қариндош-уруғларига

**«Оила ва жамият» ўстиномаси**

эътибор билан қара. Эшиқдан кириб келганда уларга пeshов чиқиб, очик чехра, ёрўз эки билан кутиб ол. Бўндан ҳеч нарса йўқотмайсан. Эътиборинг ортади. Ахир сен ўша хонадоннинг бекасисан, ҳамма нарса қўлингда бўлади. Яна шўни унутмағилки, уй бекасисан деб, исрофгарчиликка йўл қўйма, тежамли бўл, эринг топган нарсаларни қадрига етгин, авайлаб сарфла.

Сенга айтадигана насихатларимга яна бир қўшимча, эринг сенга бирор нарса ҳада этса, сенга ёқадими-йўқми, уни ҳуш-фёзлик, миннатдорчилик билан

қабул айла. Бахтли ҳаёт кечир-моқнинг муҳим омилли — шўкро-налиқдир. Уйда фалон нарса йўқ, деб ҳадеб эринга дашмон бераверма, бориға шўқр этиб топганини юзага чиқариб, ҳуш-фёзлик билан қўн ўтқасанг, шўнда бахтли, саодатли ҳаёт сени тарқ етмайга. Агар уйда сарипталиқ, озодалиқ ҳўқм сурса, вақтида овқат муҳабб бўлиб турса, эрингнинг сенга иззат-икромни, муҳаббатни ортади, бахтли ҳаёт кечиргайсизлар.

Яна шўни унутмағилки, турмуш ўртоғинг, қайнота, қайнона-ниг ёки қариндошларинг ўтирганда қаттиқ овоз билан сўзлашма, идиш-товолқарни тарақлатиб юзма, болаларингни уришма. Бу албатта, ўтирганларга хурматсизлик бўлғусидир. Бўндай ҳолатда улар ўзларини ўнғайсиз ҳис этдилар.

Сўюкли қизим, ақл-фаросат билан иш тутсанг, уйи-хойим деб жон қўйдирсанг, бола-чақаларингнинг роҳатини қўрғайсан. Хурмат қилсанг, хурмат топасан. Меҳр-шафқатли, эътиборли бўлсанг, сен ҳам ўз фарзандларингдан яхшилик қўрасан.

**Абдуқодир ҚАЮМОВ.**

**МАСЛАҲАТХОНА**

Идиш-товолқа, қўлга ўрнашқан пиёза, турп хидини сиркада ҳўлланган латта билан арти кетказиш мумкин.

Сўнда пиширилаётган тухум ёрилса, сўвга сирка томизинг. Шўнда тухум пўчоғидан оқиб кетмайди.

Ялғиз билан дағалланиб қолган тил яхшилаб ишқаланса, тилдаги дағаллик кетади.

Ялғиз шираси асал суви билан аралаштириб қўлоққа томизса, унинг оғрия қолади.

**Хонбibi ҲИММАТ қизи тайёрлади.**

«Матбуот тарқатувчи» ёлпқ ақиядорлик жамоаси ва «Оила ва жамият» газетаси тахририяти «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Азим Суянога волидай муҳтарамаси

**НОРБУВИ** аянинг вафоти муносабати билан қучур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Менинг тутган йўлим, қилаётган ишларим сизларга галати туюлар. Муҳлислар орасида балки мени тушундиганлар ҳам бордир. Мен ўзимнинг тутган йўлиمنى тарғибот қилмоқчи эмасман, асло! Ҳар кимнинг ўз ақли, мушоҳадаси бор, лекин ҳаётимни сизларга баён этмоқчиман. Мен эримни жуда ҳурмат қиламан, жон-дилимдан севаман, аммо эримга рухсат берганман, устимга хотин олишларига!

Биз совчи орқали танишиб, турмуш қурганмиз. Эрим мен орзу қилган ҳамма фазилатларга эга эди. Елиб-югуриб хизматларини қилиш, атрофларида парвона бўлиш мен учун катта бахт эди. Кетма-кет қизлик бўлди. Қизларимни, мени жудаям яхши кўрардилар. Рўзгоримиз ҳақиша бут бўлишга ҳаракат қилардилар. Учинчи фарзандимга бошқоронглик анча оғир кечди, яна қиз кўрдим, лекин у нобуд бўлди, кўп қон йўқотганим сабабли ҳаётим ҳавф остида эди. Худого шукр, қизларим бахтига омон қолди, аммо энди фарзанд кўришдан маҳрум бўлгандим.

Йиғласам, эрим юпатар: «Ўзинг омон қолдинг, шуниси шукр қил, қизларимиз бор-ку? Тирноққа зорлар қанча?» — дер эди. Менинг ўғил кўриш орзуим энди ҳеч қачон амалга ошмаслигини билиб, эзилардим. Эрим изланувчан, тadbиркор бўлиб, кўп китоблар ўқири, соҳаларини пухта эгаллаган эдилар. Мартабалари ошиб, катта лавозимларда ишлаш бошладилар. Мен уларни мансаб, обрў, пул узмасмикан, деб ҳавотирда эдим. Лекин эрим баъзиларга ўшаб босар-тусарини билмай, ҳеч кимни менсимай, саёқ хотинларга айланмиш кетганлари йўқ. Муомалалари, юриш-туришлари ўша-ўша эди. Орқича пулларини савоб, хайрли ишларга сарфлаб, одамлардан кўлларидан келган ёрдамни аямасдилар. Бизнинг еб-ичшимиздан, кийимиздан камчилигимиз йўқ эди. Қизларим лицей-мактабда ўқшар, қўшимча тил ўрганишга, спортнинг ҳар хил турларига тўғаракка қатна-

шарди. Қизларимга ҳар бирига алоҳида кутубхона, дарсхона, ётоқхона қилиб бергандилар. Ҳар йили қизларим билан мени дам олишга оборардилар, вақтлари бўлмаса ўзимизни юборардилар. Баъзи эркакларга ўшаб, ҳуда-беҳудага рашк қилмасдилар. Хуллас, турмушим ҳавас қилса арзигulik. Ишхонамда, маҳалла, қариндошлар ичида рўзгор таш-

хотки, учта кундош бир-бировларингиз билан уришмагансизлар?» — деб савол берардим.

— Йўқ, болам, мени иккала опам ўз қизларидек кўришган. Уйдаги юмушларни ўзлари қилишар, менга енгил-елпи ишларни буюришар эди. Дадангни туқанимдан кейин каттиқ шамоллаб қолганман, чақалоққа ҳам ўзлари қарашган, мени тепамда парвона

## МЕН ЭРИМНИ СЕВАМАН, АММО...

вишлари елкаларида бўлган аёлларни кўрардим ва уларга ачинардим. Фарзандлар тарбияси, етишмовчиликлар, эрининг ношудлиги, дангасалиги уларни асабий қилиб қўйган эди. Яна кўпчилигининг эри ишлагани, ишлаганлари ҳам топганиси ичиб, ҳаром юриб, ўлигини хотинининг елкасига ташлаб қўйган эди. Баъзилари хотинини уй-жой, маблағ билан таъминламай, бошқа ёш хотин олиб, умуман бола-чақаси билан иши йўқ эди. Шундай виждонсиз, номуссиз эркакларни бўғиб ўлдиргим келарди. Эрим хизмат юзасидан тез-тез бошқа шахарларга, айниқса Тошкентга кўп борардилар. Ҳатто, Тошкентга ишга тақриф қилишса ҳам мен кўнмаганлигим туфайли, рад жавобини бердилар. Охириги пайта, бўш вақтимда Куръон, ҳадисларни кўпроқ ўқирдим, уларнинг маъносини тушунишга ҳаракат қилардим. Тушунмаганларимни 85 ёшга чиққан, Куръонни араб тилида неча марта ўқиб туширган отин-бувимдан сўрардим. Бувимнинг эҳдлари ўткир, овозлари ширали бўлган. 15 ёшларида маҳаллаларидаги 40 ёшли савдогар боёга учинчи хотинликка беришган. Бувамнинг Русияда, Хитойда, Ҳиндистонда қатор дўконлари бўлган, дейишди.

Кўп умрлари сафарларда ўтар-қатнайдиган учта хотин опа-сингилдек бўлишиб, фарзанд тарбияси билан машғул бўлишган экан. Қайноналари анча биллини бўлгани учун учала келинини олдига олиб, ҳарф танитиб, Фузулий, Навоий, Оллоёр, Аттот китобларини шарҳлаётган ўқиб берадиган қилганлар. Мен бувимдан: «На-

бўлиб, оғзимга ёқадиган таомларни пишириб келишарди. 1937 йил бувангни отиб, ҳукумат мол-мулкимизни мусодара қилди. Учта хотин, 9 фарзанд кўчада қолувдик. Шунда катта опамнинг укалари ҳаммамизни боғига қўчириб олиб кетди. Учаламиз бир жойда туриб, болаларни оёққа қўйдик, қийналганимизда бир-биримизга далда бўлдик. Фарзандларимиз бир-бири билан аҳил эди, учаламизни баробар ҳурмат қилишар эди. Жойлари жаннатда бўлсин опаларимни, уларнинг фарзандлари ҳалиям мени «кичик ая», деб тез-тез хабар олиб туришарди. Ҳа, амалларим, аммаларим бир ота онандан тузилгандек аҳил, борди — келди узилмаган.

Охириги пайта негидир бувимнинг ҳаётларини кўп ўйлаб бошладим ва бир кун эрим билан шу ҳақда гаплашдим:

— Адаси, мен сизга рухсат берсам, яна уйланасизми?

— Иситманг йўқми, мабодо? Эсинг жойидами?

— Ҳа, жойида! Саволимга жавоб беринг?

— Ўйлаб кўрардим, нимамайди?

— Мен сиз ўғил кўришингизни жуда-жуда истайман. Илгари эркаклар 40 ёшдан ошгандан кейин бекорга ёш хотин олишмаган экан. Сиз агар добли, андишалли, ақли аёл билан танишиб, никоҳ ўқитиб яшасангиз, мен қарши эмасман. Фақат қизлар катта бўлгунча билишмагани дуруст, хоҳласангиз ҳеч ким билмасин. Нима дейсиз?

— Жиннивий? Нималар деяётганингни тушунясанми?

— Ҳа, ўйлаб гапираяпман.

### Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара.

Эрим бошқа ҳеч нарса демай чойини тез-тез ичиб ишига кетди. Бошқа бу ҳақда гаплашмадик. Лекин мен уйлардим, эркаклар ҳар хил аёллар билан ҳаром-ҳарош юрганидан кўра биттаси билан никоҳ ўқитиб, ҳалол юргани яхши эмас-

уяга кам келадиган бўлди. тез-тез районларга хизмат сафарига чиқиб кетар, ҳафталаб уйда бўлмасди. Мен унинг иш билан юрганини билсамда, барибир ишонмасдим. Мен эримни қилиқларим, гапларим билан ўзимдан бездирган эдим. Ҳозир ўтган кунларимни эсласам, дод дегим келади... Фарзандларимга қараб, сикиламан, адаларини жуда яхши кўришар эди. Улар ҳам фарзандлари учун жонини ҳам беришга тайёр эдилар... Ҳозирда ҳам ҳеч нарсадан камчилигим йўқ, оғайнилари, қариндош-уруғлари бизни ҳеч нарсага зориктирмапти. Лекин ҳеч ким, ҳеч нарса уларнинг ўрниларини босолмайди. Кечалари ухламай, ҳовлини айланиб юрарман. Эримнинг асабларини, юракларини авайласам, эҳтиётласам бўлмасмиди? Ахир, ишларининг оғирлиги, масъулиятлиги етиб-ортарди-ку? Нега мен ҳам кўшимча бўлиб умрларининг қисқаришига сабабчи бўлдим? Қанийди, ҳаёт бўлсалар, қилган хатоларимни тақрорламасдим. Фарзандларимга бош бўлиб юрганлари катта давлат экан...

Дугонам кўз ёшларини тиймас, мен нима деб овутишни билмасдим.

Мана азизлар! «Бирни кўриб, фикр қил! Бирни кўриб шукр қил», — дейди доно халқимиз. Мен шунинг учун эримнинг иккинчи марта уйланиб, уларнинг ҳам ворислари бўлишини истадим. Ёшлик давримиз, умримиз кўз очиб юмгунча ўтиб кетяпти. Кечагина жамалак соч қизалоқ эдик, бугун набира кўриш арафасида турибмиз, эртага дода рўмол ўраб, набираларимизга эртақлар айтиб берармиз. Шу қисқа давр ичида эр-хотин аҳил бўлиб, бир-бирининг камчилиklarини кечириб, кўнглига озор бермай, яшаганга нима етсин! Мен эримни жуда севганимдан Оллоҳдан уларнинг умрлари узок бўлишини, соғлом, тетик бўлиб 100 ёшга қиришларини сўраб қоламан.

Гули-Нигор  
Фаргона шаҳри

Мен бу сатрларни ёзишга ёки ёзмасликка бошим қотиб қолди.

Мақтубни ёзишдан мақсадим, мен ҳаётда ўз ўрнини тополмадим. Мана, уйланганимга 7 йил бўлди. Лекин, 7 кун яшагандай бўлмадим. Турмуш ўртоғимнинг исми Барно эди, маҳалламыдан уйлангандим. Орадан ойлар ўтиб, биз ўғиллик бўлдик, исмини Рустам деб қўйдим. Лекин Худо кўп қўриб, ўғлим нобуд бўлди. Орадан йил ўтиб, қизлик бўлди, исмини Табассум қўйдик. У ҳам бизни ташлаб кетди. Оиламизда келишмовчиликлар бошланди. Биров у деди, биров бу деди... Лекин, икковимиз ҳам яшаймиш, дедик.

Яна Худодан талаб, яшай бошладик. Хотинимни олиб бормаган докторим ва табибим қолмади. Охири, қиз кўрдим, исмини Жумагул қўйдим. Яхши яшай бошладик, қайнона бувимни сал оғзи тийилди. Кунлардан бир кун Барнонинг ҳоласи келди, «Мен Барнони олиб кетаман», деди. Мен унамасдим, онам рухсат берди. Эртаси кун борсам, қайнотам қиз кўрибди. Мен яна битта қайинсингиллик, Барно сингиллик бўлибмиз. Қизим эса яна битта холалик бўлди.

## ҲАЁТИМ АРО ЙЎЛДА ҚОЛДИ

Уша кунни уяга қайтиб келаётиб оғайнилариمنى кўриб қолдим, уларнинг «қайнота билан қувё бола биргалашиб, маслаҳат қилиб, қиз кўриб олибсизларда», деган масхараюмиз ҳазили юрагимга оғир ботди. Орадан бир ой ўтди. Онам «бориб кел», дейди. Мен «йўқ, уяламан», дейман. Охири туғилган куним эди, мен маст ҳолда кийини бордим. «Ҳа, келинг, қувё бола, нимага келдингиз?», деди совуқ охангда қайнона бувим. «Болаларимни олиб кетгани келдим», десам, оғзидан уят гаплар чиқиб мени қийиб бошлади. «Энди келасанми, Барно энди сен билан яшайми», деди ва жавобини беришимни сўради. «Ойи, қўйинг фарзандсиз ҳам яшадик-ку, энди қизимиз бор», десам, улар ондан баттар авж олдилар. Охири сан-манга бориб қолдик. Мен жавобини бердим. Келиб юкларини олиб кетишди. 1994 йил эди. 15 апрель куни суддан қақирув қозони келди. Эртаси кун эрталаб судга ота-онам билан бирга бордик. Ни-

ма эмиш, мен кўрпа-тўшакларини пичоқ билан йиртиб, гиламларини ёқиб юборибман. Мен бундай қилганим йўқ, десам, суд ишонмади ва мени сўқиб, ертўлага қамаб қўйди. Эрталаб отам келиб, 17 минг жарима тўлаб олиб кетди. Шунда ҳам қайнона бувим «пул озе», деб яна судга ариза берибди.

Охири ҳаммаси тугади. Онам ҳар кун йиғлагани-йиғлаган. «Қўйинг, хафа бўлманг» десам, баттарроқ хафа бўлиб касал бўлиб қолдилар. Шундай қилиб, Барнони қўшни қишлоққа турмушга бериб юборишди. Орадан 10 ой ўтиб, у қайтиб келди ва яна учинчи рўзгорга бериб юборишди. Ҳозир у ерда ҳам «сан-манга» бориб яшайпти.

Энди менга келсак, мана 4 йилдирки, уйлана олмадим. Қаерга борсак, қиз бермайди. Ўзимизнинг қишлоқни қўявермай. Ҳатто, Булоқбоши туманидан ҳам топилмапти. Ҳаётимни бутун район эшитиб бўлибди. Бир кун автобусда ўтирсам, қўшни қишлоқлик бир аёл: «Учтепада мана шунақа воқеа

бўлибди» деб, ўзимга танимаган ҳолда айтиб берди. Ушбу мақтубни ёзмакчи эмас эдим, аммо бўлар-бўлмас гаплар жонимга тегиб кетди. Ошна-оғайнилари бўлса «Тўй қачон» деб, баъзилари «4 йил юриб қўйди, энди уйланмаса ҳам бўлаверарди», яна баъзиси «қанақа қилиб хотинсиз яшайсан», деб безор қилишди. Аллоҳ ҳаммага ҳам инсоф берсин, пешонага ёзилгани бўлар экан. Отамага «Россияга кетаман», бўлди, бу ерда яшайман», десам уришиб бердилар «Ҳали ёшсан, сени у ерда ким қутиб олади? Энди 26 ёшга кирдинг. Худо насиб қилса оилали бўласан, фарзанд кўрасан», — деб овутиради. Энди нима қилишни билмай юрибман. Ўзган мақтубим орқали Мустанқил Ўзбекистонда яшайган тенгдош дўстларимдан, оналарим, оталарим, оналаримдан маслаҳат беришларини илтимос қиламан. Зора, ҳаётим изига тушиб кетса...

Салом билан: Раҳимжон  
ТОЛИПОВ, Андижон вилояти,  
Булоқбоши тумани.

# ЭРНИ «АКА» ДЕЙДИМИ?

МУҲОКАМА МУЛОҲАЗА МУШОҲАДА

Дўстимни йўқлаб уйга борсам, хотини пешвоз чиқди-да:  
— Мирзабек акам Миртўра тоғамникига кетувдила, — деди.

«Акам»-лаб эри ва қайноғасининг исмларини тап тортмасдан айтаётган келиннинг гапига куларимни ҳам, куйримни ҳам билмай ортимга қайтаётганим, кўча муолишида ўзининг қораси кўриниб қолди. Кўнғироқдек товушидан севингани аён сезилди:

— Эй-й, шоирларга саломлар! Ичкарига марҳамат қилавермайдиларми, а!

— Ўзинг бўлмаганидан кейин...

Тўқин дастурхон атрофидан ҳангома қизиди. Сўхбат мавзуйимиз менинг «Опамнинг эри почча эмасми?» мақолам ҳақида борди.

— Мавзулариям жаа топасан-де. Шунақа қип, онаси «опа» дейдиганлар учун ўз отаси «почча» бўлиб қолдими, а? Мантиқан жаа тўғри, а, Гул, нима дедин? Кичкинтойларимиз сани нима деб чақиршувоти?

Бека нечоғли ҳозиржавоблигини намойиш этди:

— Бугундан эйтиборан — Она дейишадиде!

— Дўстимиз шунчалик қуйиб-ёниб ёзганларидан кейин, ақли одамлар оқилона хулоса чиқармасалар бўлмайди-де! — деди ошнам.

Шу лайдгача дилимда ўртаниб ётган бир гап тилимга кўчди:

— Худди шунинг учун янги ёзажак мақолам мавзуини Сизлар билан маслаҳатлашгани келувдим!..

— Бош устга! — деди эр-хотин жўр овозда. — Қани эшитилу-чи...

— Онани — опа дейиш қанчалик кулгили экани ҳақида гаплашдик.

Хўш, эрнинг исмини айтиб, тагин «ака» дейдиганларга нима дейсиз? Ўзимга «ака» деб мурожаат қилган ҳар қандай оғизга «ха, синглим!» дея жавоб беришим жоиздир. Туғилганлардан ташқари сонингта туғинган «синглим»ларим бўлиши мумкин-ку! Ёшроқ қиз-жувонларга «синглим» дея мурожаат қилиш — ўзига яраша ўзбекона мулозаматдир. Каминани «ака» деб ҳурматимни жойига қўйганларнинг ҳам оталарига раҳмат! Фақат, бунақа мулозамат жуфти-ҳалолим, ёстиқдошим томонидан бўлмагани маъқул-да!..

Бунақа гаплардан тез ҳаяжонланидиган Мирзабек илиб кетди:

— Масалан, биз эр-хотин ҳангома қили-иб ётибмиз. Гуля манга шундоқ деса: «Ака, уйда гўшт қолмади...» Гапига яраша шундоқ жавоб қайтарсам:

«Синглим!.. Эрта-индин маош олсам, ҳаммаси ҳал бўлади! Сиз куюнманг, синглим!» Ҳақиқатан ҳам бачкана... Негадир биззи хотин ҳам «Мирзабек ака» деб чақиради-я?! Бунақа «муомала»ни қаттан ўрганган, билмадим. Қадимда момоларимиз боболаримизни исмларини тилга олишганмикин? Ҳатто, орқаваротдан ҳам айтишмаган! Жаа зарил келса, эрининг отдошини кўрсатиб «шу кишининг адаши-де» дея ибо билан тушунтиришган экан...

Келиннинг кулгисиде истеҳзо ҳам йўқ эмасди, наздимда:

— Эй-й, шоир акам-ей, қаттаги мавзуларни топиб оқисизде. Майли, ман рози. Бугундан эйтиборан ўртоғийизни

«ака» дейишга нўқта қўйдим. Хўш, унда ким деб чақирай?

— Худойим фарзанд ато этганлар — ота-оналик ҳаққи-ҳурмати учун бир-бирларини — «отаси, онаси» ёхуд замонавийроқ синоними маъқул туюлса — «дадаси, аяси ё ойиси» деб мурожаат қилсалар, нур устига аъло нур бўларди-да. Ҳали фарзанд кўриб улгурмаган ёш келин бўлса, нақада ҳаё билан муомала қилса, тилдан бошқа — инсоннинг кўзи ҳам «муомала воситаси» бўла олади-ку!.. Эрининг исмини мутлақо тилга олмасдан муомала қилишнинг наҳот имкони бўлмас? Шунақа ҳаё пардаси ортидан мурожаат қилаётган келинчакини бир тасаввур қилинг! Жаа бўлмаса, эрини «хўжайн» дейдиганлардан ибрат олса бўлар...

— Манга-ку, маъқул. — Бош иргайди бека. — Бошқалар бунга нима дейишаркин?

Мирзабек дангалини айтди-қўйди:

— Маъқул деб билганларига гап йўқ, Иннайкикин, юрагида озроқ миллий туйғуларни борлари ҳам обдан ўйлаб кўрадила. Эсингдами, ёзувчи ошнам, қайси бир мақолагда: «ҳар бир қариндошини ўз номи билан аташ керак, айримлар ҳола, аммасига — опа деб мурожаат қилишлари, амаки, тага, ҳатто поччасини ҳам — ака деб чақириллари оддобдани?» деган мазмунда мақола ёритгандинг.

Бека қимтинибгина савол ташлади:

— Эри ака дейиш қаттан пайдо бўлган ўзи?

Эрининг ўзи унга бир қадаб тўғри

жавоб берди:

«Утган кўнлар» романида Кумуш-биби Отабекни нима деб чақиради? Ҳатто, захарланиб ўлаётганида ҳам бирор марта «Отабек ака!» дейдими? Зорланиб, «Бегим!» деганида юраклар зир титрайди... Уларниям қўявер, ўзиузининг кекса бувиладардан сўраб кўр-чи, буваларивузани нима деб чақирган экан?... Эр-ку ўз йўлига, ҳатто, қайнуқа, қайсинглисининг ҳам исмини айтиш — беҳаёлик ҳисобланиб келинган.

— Хўш, навбатдаги мақоланг мавзуси нима ҳақда бўлади?

— Инсон исмини айтиш одоби ҳақида ёзмоқчиман!..

— Қойи-ил! — Беиктиёр елкамга уриб қўйди дўстим. — Бу мавзу қачон, қаттан пайдо бўла қолди?

— Бугун! Сенинг уйингда! — Тўғриси айтиб қўя қолдим. — Шоир хаёлилик қурисин, келиннинг исмини унутиб қўйган эканман. Ўзидан қайта-қайта сўрайвериш жаа ноқулай. Сенинг оғзингни пойласам, нукул, «Гуля, Гул»дан нарига ўтмадинг... Яхшиям, бунга жавобан келин сени «Мир», «Мирт-ака» деб қўя қолмаскан!..


Бу гап ҳам дўстимга шу қадаб кулгили туолдики, «ва-ха-ха»си бутун кўрғонни қоматга келтириб юборди. У ўз хатосидан, қолверса, жуда кўнчилиқ билиб-билмай қилиб юрган хатоликлардан қулаётганга ўхшарди...

Тўқин ЭШБЕК

# ҚАНИ ЭНДИ ҲАММА ҲАМ ҲАСАНЖОНДАЙ БЎЛСА...

Мен бир неча йиллардан бери бир оилани кузатиб юраман. Бу эр-хотиннинг ҳаёт кийинчиликлари габр-бардош, тоқат, матонат билан яшаётганликларига таъзим қилгим келади.

Кунларнинг бирида Ҳасанжоннинг ҳамда Муяссархонларнинг ажойиб тантанали никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Келини Ҳасанжоннинг аяси танлаганлар. Илгари келиннинг оёғи озгина, билинар-билинмас оқоқларан эди. Ҳасанжон бунга эйтибор ҳам бермас, улар жуда бахтиёр эдилар... Биринчи фарзандлари туғилганда Муяссархоннинг тиззаларидан пасти ҳеч нарса ни сезмай қолди. Уни жуда кўп даволатдилар, яхши врачларга қаратдилар. Лекин тузатишнинг ҳеч иложи бўлмади. Болалигида ёмон дардга чалинган экан. Бу хасталик умрининг охиригача давом этаверар экан. Хуллас, келини касаллик нафақасига чиқарадилар. Бу орада ўғилчалари ҳам вафот этди. Лекин эр-хотин ҳеч ноумид бўлмадилар. Муяссархон тиззалаб ўтириб кир ювар, овқат масаллиқларини тайёрлар, Ҳасанжон эса ҳамма уй юмушларини қиларди.



Турмушларининг тўртинчи йилида иккинчи фарзандлари туғилди. Эсон-омон туғилганига Муяссархон хурсанд бўлса, Ҳасанжон қизига парвона эди. Қизларини ҳаммага меҳрли

бўлсин деб, Меҳрибон деб исм қўйдилар. Энди Ҳасанжон ҳам хотинига қарар, ҳам қизини тарбиялар эди. Уни бешикка белар, кирини ювар,

сут олиб келиб чақалоққа ичирарди. Шунча кийинчиликларга қарамай уларнинг аҳил, иноқ оиласига дарз кетмади. Касалга қарагани учун Ҳасанга бу давр ичиде махсус нафақа тайинланди. Лекин оиласи учун бу камлигини билиб акаси Рустам ака билан биргаликда уйда боболаридан қолган касблари-халқарлик қила бошладилар. Улар тайёрлаган новот, парвардалар, ширинликлардан маҳалла аҳли баҳраманд. Ҳасанжоннинг бир қориндан бир пайтда туғилган шериги Зухро ҳам уйли-жойли, оилали. Лекин Ҳасаннинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Қўлидан келганча уларга ёрдам беради. Бир ҳовлида яшайдиган акаси Рустам ҳамда янгаси ҳам Ҳасанжонга маслаҳаттўй, уларнинг қизлари Озода эса яқин ёрдамчиси. Муяссархонга врачлар «энди ҳомиладор бўлмаг, сизга бола кўриш мумкин эмас», дейишди. Лекин орадан яна уч йил ўтиб улар яна фарзанд кўришади. Худо уларга ўғил берди. Унга яхши тилаклар билан Темуржон деб исм қўйишди. Темуржон мустақам иродали бўлсин, деб шундай аташди. Ҳасанжон яна энага бўлиб уни парваришлай бошлади. Ҳозирда қизлари Меҳрибон етти ёшда, ўғиллари Темуржон эса 4 ёшда. Муяссархон айна пайтда бутунлай тўшакка миҳлиб қолган, турмуш ўртоғи эса унга парвона,

кўнглига қараб яшамокда.

Ҳурматли юртдошлар! Ушбу воқеа ҳаётим, мен уларни Самарқандга борганимда кўрдим, танишдим. Улар Ушакво кўчаси 20-уйда яшади. 3-туғруққона ёнидаги маҳаллада.

Бу ёшларнинг иродасига, сабру бардошига, меҳру муҳаббатларига, оилани муқаддас билиб, Худонинг берган умрига, кунига шўқр қилиб яшаётганига қойил қолдим. Ногирон бўла туриб, она бўлиш ёки эркак бўла туриб, бешик қўчоқлаб алла айтиш, уй тутиш, оила тебратиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Қанча оилалар беқорга, арзимаган гаплар билан бузилиб кетаяпти. Ёки тан-жонлари соғ бўла туриб бир-бирларига хиёнат қилаётганлар қанча? Ҳаётни энгил ўйлаганлар улардан сабру тоқатни, иродани, меҳру муҳаббатни ўргансинлар. Тан-жонлари соғ, тўрт мучалари бутун эканлигига шўқр қилсинлар.

Бу мақола эйишдан мақсадим, юртдошларимиз шундай оила, Ҳасанжондай иродали, меҳнатқаш, меҳрибон ота бор эканлигини билишсин дедим. Мен Ҳасанжонга ҳам қойил қоламан, қани энди ҳамма эркаклар ҳам ундан вафони ўрганишса.

Меҳринисо РАҲМАТОВА, Жиззах вилояти

## Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :  
Бош муҳаррир - 133-28-20  
Котибият - 34-86-91  
Эълонар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ  
Тошкент- 700000,  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил Тошкент, Буёқ Турон кўчаси, 41- уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35.  
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177  
Рўйхатта олиш № 33  
Буюртма Г- 0466  
31.794 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ,  
Чоршанба кунлари чиқади.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ.  
Навбатчи Ф. ТОҲИРОВА.